

47 (941) сон

12 ноябрь — 18 ноябрь 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz




3

**КЕЛИН-КУЁВ ВА...
ЙИГИРМАТА «НЕКСИЯ»**

**ТИББИЙ КЎРИК
КЎРҚИНЧЛИ ЭМАС!**



4



**«СОБИҚЛИК»
СОДИҚЛИКМИ?**

11

**УНУТИЛИШГА
МАҲКУМ БЎЛМАНГ!**

14



КЕЧА:

→ Яқинда “Маънавият” нашриёти томонидан “Президентга мактублар” китобининг иккинчи жилди (биринчиси 2006 йилда нашр этилган эди) чоп этилди. 6 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий университетда ушбу китобнинг тақдиротига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

→ Тошкентда “Адолат” социал демократик партиясининг курултойи, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — ЎзЛиДеП ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиялари (ХДП)нинг съездлари бўлиб ўтди.

БУГУН:

→ Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Архитекторлар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “ZagExpo” кўرғазма компанияси ҳамкорлигида VI халқаро қурилиш кўрғазмаси иши давом этмоқда.

→ Муборак ҳаж зиёратига отланган ватандошларимизнинг навбатдаги гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Шу йилдан эътиборан зиёратчиларга Бухоро, Урганч, Термиз аэропортларидан ҳам қўлғуси сафарга учиб бориш имконияти яратилди.

ЭРТАГА:

→ “Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди” дея хабар беради “Ўзгидромет” мутахассислари. Лекин айни шу кунларда саховатли кузнинг ҳар бир ганимат лаҳзасидан унумли фойдаланмасак, эртага армонда қоламиз. Чунки остонада қиш эшик қоқиб турибди.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Фақат яхшилик сўрагувчилар	3
Бағрингиз ярим бўлмасин	5
Васиятномани исталган вақтда ёзиш мумкинми?	6
Фил гапира бошлади!	7
Теледастурлар	8–10
Муҳаббат ҳеч қачон қаримас	12
... фарзанддан эмас, ота-онадан ҳам воз кечиш мумкинми?	13
Гувоҳномасиз бола	14
Чақалоқни кўрқитувчи қарнайчилар	16



Шухрат ОДИЛОВ сурат-лавҳаси

— Ойижон, шу қушчани учириб юборай!

“ОБУНА — 2010”

Муҳтарам муштарий!

Йил давомида хонадонингизда эзгулик, бағрикенглик, аҳиллик ришталари мустаҳкам бўлсин, кўнглингиздан эса ҳар қандай бойликдан-да улғуроқ неъмат — меҳр-муҳаббат туйғуси аримасин десангиз, «Оила ва жамият»га обуна бўлинг!

ИНДЕКС:

Якка обуначиларга — 176
Ташкилотларга — 177



БИЛИБ БОСМАНГ ✓ ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

ТИКОННИ

Тиббиётчи мутахассислар олиб борган таҳлиллар хулосасига кўра, кейинги йилларда қариндошлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида ирсий, наслий ва бошқа турдаги ҳар хил касалликлар учраётгани кузатишмоқда. Маълумки, бошқа халқларда айнан қариндош-уруғларнинг бир-бирига уйланиши, турмушга чиқиши камдан кам учрайдиган ҳолат сифатида қайд этилаётган бир пайтда негадир бизлар бу хунук одатдан ҳеч қутула олмаётганимизни қандай изоҳлашни билмаймиз. Ҳўш, нега ҳамон айрим оилалар бошига тушган аянчли кўргуликлардан ўзимизга тегишли хулосалар чиқармапмиз?

Бундай ҳолатлар бизнинг вилоятда, хусусан, Иштихонда ҳам афсуски учраб турибди. Бўлимимиз томонидан бўлғуси келин-куёвлар, шу жумладан, оила вакиллари иштирокида уюштирилаётган ҳар бир тадбир ва учрашуларда бу масаланинг долзарблигини инобатга олиб қайта-қайта сўз юритамиз. Албатта, беш қўл баробар эмас. Ҳамон эскича тасаввурда юрган яъни нима бўлса-

да, ўзимниқидан қолмайин, деган бемаъни қарашдан қутулмаётганларнинг йўл қўяётган хатолари қимматга тушаётир.

Тўғри, Оила кодексига никоҳ тузишнинг ихтиёрийлигига алоҳида



урғу берилган. Лекин бу дегани, ўзининг опанг ёки ака-уканг билан қуда бўлгин, деган воқалатни

бермайди-ку! Айримлар бу масалага енгил-елпи муносабатда бўлиб "ана, фалончирони келини туғишган опасининг қизи, болалари соппа-соғ-ку" деган баҳонани айтиб қолади. Бундайларга "Оила ва жамият" газетасидаги суҳбатда республика "Скрининг" маркази маслаҳат бўлими бошлиғи Марҳаб Исомованинг ҳар биримизни огоҳликка чорловчи ушбу сўзларини келтирмоқчиман: **«Рецессив яъни яширин генлар биринчи авлодда намоён бўлмайди. Лекин кейингиларида фарзандлар кетмакет наслий касалликлар билан туғилиши мумкин.»**

Демак, Оила кодексига ҳам насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган (ака-укалар, опа-сингиллар ва ҳоказо)лар ўртасидаги никоҳ тузишларга бежизга йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида кўрсатилмаган. Бу неча асрлар давомида исботланган оддий ҳақиқат. Шундай экан, оиламизнинг тинч-тотувлиги, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлмоғини истар эканмиз, ушбу халқчил ақидаларга амал қилайлик.

Раҳима УМАРОВА,
Самарқанд вилояти
Иштихон тумани ФХД
бўлими мудир.

✓ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

чил тилда етказиш;
Кўрик-танлов ғолиблари қуйидаги номинациялар бўйича тақдирланади.

1. «Энг яхши телелавҳа»
2. «Энг яхши радиозўлттириш»
3. «Энг яхши мақола»
4. «Энг яхши интернет материали»
5. «Энг яхши видеоролик»

Ғолибларни ушбу совринлар кутмоқда:

1. 3 та биринчи ўрин учун рангли телевизор
 2. 3 та иккинчи ўрин учун диктофон
 3. 3 та учинчи ўрин учун DVD магнитофон
 4. 1 та энг яхши интернет материали учун фотоаппарат
 5. 1 та энг яхши видеоролик учун рангли телевизор
- Шунингдек, рағбатлантирувчи муқофотлар ҳам таъсис қилинган.
- Танловда иштирок этиш учун материаллар 2009 йилнинг 1 декабригача қабул қилинади.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: (998-71) 233-39-84.
Факс: (998-71) 233-39-84. E-mail: press@minjust.gov.uz

«АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида мазмундор ва сифатли ёритилишига эришиш мақсадида **«АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА»** кўрик-танлови ўтказилади. Ушбу танловда журналистлар билан бир қаторда ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этиш имкониятига эга.

Танловга иштирокчилар томонидан тақдим этилган 2009 йилнинг 1 февралдан 1 декабригача бўлган даврда газета, журнал, интернет-нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатишган материаллар ёзилган аудиокассеталар қабул қилинади.

Тақдим қилинган материаллар

қуйидаги мезонларга кўра танланади:

- а) ёритилаётган масалаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини очиб даражаси ва унинг мазмуни;
- б) материалнинг мавзуга доир ва тушунарли берилиши;
- в) материалнинг жозибадор ва ўзига хос берилиши;
- г) материалларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар аҳамиятини кенгроқ очиб берилиши;
- д) «Қишлоқ тараққоти ва фаровонлиги» йили муносабати билан миллий қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар аҳамияти;
- е) тизим таркибига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси ҳақида;
- ж) қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг моҳияти ва мақсадларини халқ-

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларида «Ишонч телефони»га қўнғирок қилишни унутманг. Адлия идораларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09
2. Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги (361) 008, 223-34-00
3. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (371) 008, 262-92-42, 269-14-45
4. Андижон вилояти адлия бошқармаси (374) 008, 224-42-31, 224-45-94, 222-30-89
5. Бухоро вилояти адлия бошқармаси (365) 008, 223-74-16, 223-21-20
6. Жиззах вилояти адлия бошқармаси (372) 008, 771-64-71

7. Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси (375) 008, 223-01-64, 223-01-73
8. Навоий вилояти адлия бошқармаси (436) 008, 223-80-47, 223-01-38
9. Наманган вилояти адлия бошқармаси (369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-70-33, 226-51-93
10. Самарқанд вилояти адлия бошқармаси (366) 008, 233-04-62
11. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси (376) 008, 223-26-84
12. Сирдарё вилояти адлия бошқармаси (367) 008, 225-09-69, 225-41-19
13. Тошкент вилояти адлия бошқармаси (371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02
14. Фарғона вилояти адлия бошқармаси (373) 008, 224-15-49
15. Хоразм вилояти адлия бошқармаси (362) 008, 226-86-47, 226-65-50

E-mail: info@minjust.gov.uz

Оила ва жамият

почтасидан

АНЖУМАН

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ КУЧАЙТИРИЛСА...

Радио-телевидение орқали берилаётган ёки газета-журналлар саҳифаларида чоп этилаётган ҳуқуқий мавзулардаги мақолаларнинг ўқишлилигини таъминлаш, сифат ва савиясини ошириш нафақат соҳа мутахассислари, балки журналистларга ҳам жиддий масъулият юқлайди. Шу маънода қуни кеча пойтахтимиздаги «Наврўз» никоҳ уйида Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида кўтарилган масалалар ўзининг долзарблиги билан йиғилганлар эътиборини тортди. Унда вазирлик ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари, шаҳардаги барча нотариат идоралар ҳамда ФХД бўлимлари, ҳуқуқий муҳофазат қилувчи идоралар ходимлари, журналистлар, шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг битирувчи талабалари иштирок этишди.

Тадбирда ФХД органлари, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган нотариат ҳамда адвокатларнинг ОАВ билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Айниқса, ФХД бўлимлари томонидан уюштирилаётган ҳуқуқ ва тарбиявий мавзуларга оид материалларнинг сони ва сифат даражасини яхшилаш, оилалардаги муаммоларга фақатгина бир томонлама ёндашмасдан, балки кенгроқ тўхталиш, ҳар бир кўтарилаётган муаммага тахлили, ҳаётий ёндашиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, кеча Тошкент вилоят ҳокимлиги биносиде Адлия вазирлигининг Аxbорот хизмати ҳамда вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлиқда Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарориде белгиланган мақсад ва вазифаларни тарғиб этишда ОАВ билан амалий ҳамкорликни кучайтиришга бағишланган матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди.

(Ўз мухбирларимиз)

✓ АКС—САДО

МЕНИНГ ОНАМ...

Икки ойча бурун тасодифан қўлимга «Оила ва жамият» тушиб қолди. Ўқиб кўрсам, унда ҳам юракка «жиз» этиб тегадиган, ижод қилишга туртки бўлгувчи мавзулар бор экан. Мана, сентябрдан бери журналист Қувондиқ Сиддиқнинг «Етмиш йилдан сўнг» деб номланган мақоласи сабаб бўлиб шу газетани мунтазам олаяман.

Яқинда ўқигандим: инсонларнинг чехраси, бармоқ излари, тақдирлари турли бўлгани билан, кўнгил кечинмалари, туйғулари, ҳатто изтироб, севинчу қайғулари ҳам ўхшаш бўлар экан. Балки бу ростдир? Чунки мен юқориде тилга олган мақоладаги воқеалар менинг тақдирим билан ҳам айнан боғлиқ. Ҳатто ҳайратга тушдим, шунчалик ҳам яқин бўларкан-да, деб.

Масалан, менинг қалбимга адабиётда муҳаббат уруғини қалбимга экиб, кўртак ёздирган инсон онам бўлади. Энг биринчи бадиамни ҳам онамга бағишлаган эдим. Худога минг қатла шукри, у киши ҳозир саксон ёшга кирган бўлсалар-да, руҳлари тетик, юраклари бақувват. Энг муҳими, ҳеч қачон нолимайди, ҳаётга шукрона айтиб яшайди. Бундай фазилат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Оналар ҳақида ҳар қанча ёзсам, уларни шарафласак, шунча камлик қилади. Бир мақола баҳонасида сизларга юрагимдаги ҳайрат, ҳаяжонимни изҳор этдим. Овозим борича баралла ҳайқириб айтидиган сўзим шу:

«Менинг онам ҳаммадан яхши!»

Бекпошша РАЗЗОҚОВА,
Урганч шаҳри.

Ушбу раям остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Аxbорот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Тўй яхши нарса, шу баҳона кўрмаган қариндошлар билан учрашасиз, меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланади. Ўғил уйлалаш, қиз чиқариш эса азалий удумлиги боис давр ўтиши билан улар ҳам ўзгариб, турли хил кўринишларга эга бўлиб бораётди. Айниқса, кейинги пайтда бундай янгича маросимлар шу даражада кўпайиб кетаяптики, улардаги дабдаба-ю исрофгарчиликларни кўриб, ёқа ушлайсиз.

Узоққа бормайин, бизнинг Сурхон тарафларда, аниқроғи,

лиги аниқ, кўчадан эса ҳеч «рухсат» келай дебмасди. Бир пайт ҳалиги амма ва ранг-қути учган она билан қудалар ўртасида жанжал чиқди:

— Бу қандай гап, бир машинани ҳам эплаб олиб келмадингларми?

— Ўн бешта-ку, шуям камми?

— Улар ана, ўзларинг билан тўлиб қолди-ку? Қизнинг дугоналари, опа-сингиллари, амма-хоталари-чи?

Энди можарога қизнинг акаси келиб қўшилди.

— Йигирмата машина топол-

ган қизнинг келин-куёв билан бўлиб, энг ёмони, бир томон чўқур сойликка туташган, шу ердан машиналар ҳар доим жуда эҳтиёт бўлиб ўтар эди.

Бизлар ҳам шу колоннанинг охирида келаётгандик. Бирдан кутилмаганда машиналар тўхтаб қолди. Қарасак, даҳшатли ҳалокат рўй берган эди: Қизнинг дугоналари чиққан машиналардан бири олдинга ўтиб оламан, деб айнан шу муолишга етганда иккинчи йўлга чиққан, қаршисидан келаётган машинага урилиб, сойга кулаганди...

Зудлик билан битта «Нексия»ни бўшатиб, ҳалокатга учраганларни касалхонага олиб жўнадик. Уларнинг бири бева аёлнинг ёлғизгина қизи экан, касалхонага етгунча жони

бўлиб, энг ёмони, бир томон чўқур сойликка туташган, шу ердан машиналар ҳар доим жуда эҳтиёт бўлиб ўтар эди.

Бизлар ҳам шу колоннанинг охирида келаётгандик. Бирдан кутилмаганда машиналар тўхтаб қолди. Қарасак, даҳшатли ҳалокат рўй берган эди: Қизнинг дугоналари чиққан машиналардан бири олдинга ўтиб оламан, деб айнан шу муолишга етганда иккинчи йўлга чиққан, қаршисидан келаётган машинага урилиб, сойга кулаганди...

Зудлик билан битта «Нексия»ни бўшатиб, ҳалокатга учраганларни касалхонага олиб жўнадик. Уларнинг бири бева аёлнинг ёлғизгина қизи экан, касалхонага етгунча жони

МУНОЗАРА

Тўғри, инсон ҳаёти ҳақида гап кетганда, бундай ҳисоб-китобларни тилга олишнинг ўзи уят. Лекин ўша сарф-харажат ҳам умрнинг, ҳаётнинг маълум қисмини чеклаш, елиб-югуриш ҳисобига қилинади-ку!

Тўй келасини жонлантириш бўлими оstonасида ўтказдик. Куёвнинг ота-онаси, ака-укалари, хуллас, келин-куёвдан бошқа ҳамма шу ерда эди.

Ҳамманинг кўнгли ҳадик-хавотир билан тўла, айримлар ер муштларди: «Шартмиди шу қатор-қатор машина? Бу бемаъни одат қачон урф бўлди-ю, энди уни ким чеклар экан-а?»

Уйлаб қоласан киши. Ахир, айнан шу масалани бирор жойда йигин ё учрашув ўтказилса, аксарият одамлар шундай дабдабозликка йўл қўяётганларни аямай қоралашади. Лекин ўзларига қолганда эл қаторидан чиқишиб, на маҳалла-қўйга, на оқсоқолга қулоқ солишади. «Оруз-ҳавас»ни рўқач қилиб, кўпчилик риоя этиб келаётган оддий расм-русумларни ҳам унуттилади. Оқибатда...

Энди бундай «кимўзар»га тўй-тантана ўтказётганларни инсофга қақириб қўйишга қодир маҳалла фуқаролар йиғинлари, оқсоқол, кайвонилар жиддий ишлаши кераклигини даврнинг ўзи талаб қилаётди. Чунки одмигина, оддий тартиб-қоидаларга бўйсуниб тўй қилаётган ҳам ёки бўлмаса қатор-қатор «Нексия», «Мерседес» ларни кўз-кўзлаб, кўча тўлдираётган бойваччаю қалондимоглар ҳам биз билан ёнма-ён яшаяпти. Лекин элчилик деймиз, «менга нима, пулни топган у бўлса, қандини урсин» дея хайбаракаллачилик қилиб бундайларга йўл бераётган ким, ўзимиз эмасми?

Жамила ЭРГАШЕВА, Сурхондарё вилояти.

КЕЛИН-КУЁВ ВА... ЙИГИРМАТА «НЕКСИЯ»

Термиз шаҳри атрофи ҳудудларида бир-икки йил ичида куёв жўраларнинг ҳар бири биттадан «Нексия» кира қилиб олиб бориши урфга кирди. Куёвнинг ўнта жўраси бўлса, ўнта, йигирмата бўлса, йигирмата «Нексия»!.. Қариндош-уруғларнинг машиналари билан 30-35 талаб улов уч-тўрт қатор бўлиб, йўлдаги бошқа техник воситалар ҳаракатига ҳалал бериб, кўпчилиكنинг гашига тегади, асабини бузиб, баъзан эса автоҳалокатлар сабабчиси ҳам бўлади.

Элчилик, тўй-маъракаларда юриб, турли-туман воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Бир танишим бадавлат хонадон билан қуда бўлди. Бизни қуда қилиб, келинни олиб келиш учун қиз томонга жўнатишди. Меҳмондорчилиги, барча ирим-сиримлар тугагач, келин-куёв муסיқа садолари остида машинага таклиф қилинди. Аввал ёши олтишлардан юшган бир аёл (амма экан) югуриб келди.

— Маъруфа, машинаси кам экан, ҳамма қизлар жойлашмагунча чиқма!

Ҳаво иссиқ, айнаи туш пайти. Расамаддисини келтириб, пардоз-андоз қилган келин чиммат ортида жикқа хўл бўлиб кетган-

маса, нима қилади уйланиб?

Шерикларимиздан бирининг жаҳли тезроқ эди, кўнглига келганини шарт-тайтди-қўйди:

— Йигирма машина қизни нима қиламиз биз? Тўйга кимнинг боргиси келса, ана, ўз оёғи билан бораверсин.

— Ҳа, бормайликми? Шундай демоқчимисиз? — шанғиллаб кетди амма.

Қаттиқ-қаттиқ овоз эшитилаётганидан хавотирланган ота ҳам жанжалга қўшилди:

— Ҳа, нима гап ўзи?

Машина ёнида туравериб чарчаган келин ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Куёв биз томонга ўтиб, опасидан илтимос қилди.

— Бекатга чиқиб, яна бешта «Нексия» олиб келишин. Боргандан кейин ҳисоб-китоб қиламан.

Опа укасига ўқрайиб қаради. — Бештаси 125 минг бўлишини биласанми?

— Биламан, опа, сиз айтгани қилинг.

Энди опанинг навбати келди:

— Тўртта муштдай келад-



безитилган дастурхонда яхшигина ширакайф бўлиб чиққан хайдовчи йигитлар, келин-куёв кетаётган машинанинг ёнида, ортида юришга интилиб, бири бири билан «қувлашмачок» ўйнаб боришаётган эди. Йўлнинг давомида эса кўринмайдиган жойда кескин муюлиш

узилди. Унинг ёнида келаётган куёвжўранинг уч-тўрт йил аввал акаси вафот этган эди, касалхонага етгач, у ҳам бу дунёни этди. Тирик қолганларнинг ҳам ахволи оғир эди.

Бир оиланинг неча йиллаб емай-ичмай олган машинаси-ку ҳеч кимни ўйлантиргани йўқ,

демайиз, «менга нима, пулни топган у бўлса, қандини урсин» дея хайбаракаллачилик қилиб бундайларга йўл бераётган ким, ўзимиз эмасми?



УСТА МАТВАФОНИНГ БЕШИК, САНДИҚЛАРИ



Урганч туманидаги Чаккашоликор қишлоғилик Матвафо Мадаминовлар хонадонини йилнинг ўн икки ойида ҳам Хоразмнинг турли гўшаларидан одамлар сўраб, излаб топиб келаверади.

— Мен воҳада номи кетган Мадрахим бешикчининг боласиман, — изоҳ беради уста Матвафо бир нафас ишдан тин олиб. — Мадаминдор, Маткарим, Сафобек, Аширбой ва Давлат боларимиз ҳам кўли гул хунар-

манд бўлган экан. Ҳали-ҳалига-ча одамлар гапириб юради. Ҳозир бундай нозик ва мураккаб ишни ҳар ким ҳам қилавермайди. Бу касб катта қунт, ҳафсала ва оғир меҳнат талаб этади. Шунинг учун унга содиқ қолишга ҳар кимнинг ҳам сабр-чидами етмайди.

— Ишонасизми, биз ҳар қуни тонгдан шомгача худодан фақат яхшилик сўраймиз, қайси оиллада тўй бошланса ёки кимнинг хонадонидида чақалоқ туғилганини эшитсак, бошимиз осмонга етади. Чунки бизларга ҳам иш кўпаяди-да, — дейди устанинг фарзандлари.

«Бу, ёшулли, фақат ишдан гапирясиз, даромад-чи, у ёғим яхшими?» — дейман ҳазиллашиб Матвафо акага. У киши эса камтарлик билан «Худога минг қатла шуқур, шу хунармандчи-

ликнинг орқасидан кам бўлма-япмиз. Айниқса, Президентимизнинг 1997 йил 1 мартдаги фармонида бинаоан бизларга янада катта имкониятлар яратиб берилди. Энг муҳими, даромад солиғидан озод қилингандик. Элчилик, деярли ҳар қуни тўй-томоша бор, бу ёғи бозорга яна бешик, сандиқларимизни олиб чиқамиз. Даромадга яраша буромад, деганларидек, топганимизга чиройли уйлар қураяпмиз, тўйлар ўтказаяпмиз, мана, яқинда янги «Нексия» сотиб олдик. Шу-да энди, меҳнатга яраша мукофот. Ахир ўз пешона тери билан топилган бойлик ширин бўлади-да!»

— Ишонасизми, биз ҳар қуни тонгдан шомгача худодан фақат яхшилик сўраймиз, қайси оиллада тўй бошланса ёки кимнинг хонадонидида чақалоқ туғилганини эшитсак, бошимиз осмонга етади. Чунки бизларга ҳам иш кўпаяди-да, — дейди устанинг фарзандлари.


«Бу, ёшулли, фақат ишдан гапирясиз, даромад-чи, у ёғим яхшими?» — дейман ҳазиллашиб Матвафо акага. У киши эса камтарлик билан «Худога минг қатла шуқур, шу хунармандчи-

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Дарвоқе, уста Матвафо Мадаминов фақат ўз манфаатини ўйлаб яшайдиганлар тоифасидан эмас. Орттирган маблагини хайрия мақсадларига сарфлайди, қишлоғидаги кам таъминланган оилаларга кўмаклашади, кўчакўйни обод қилишга бош қўшади. Буларни ўзи айтмади, уни яқиндан билганлар, танишбилешлари эътироф этиб қўйишди...

Исмоил ШОМУРОДОВ, «Оила ва жамият» мухбири, Хоразм вилояти.





римга олиб келди. Текшириб кўрсам, қон босими жуда юқори. Юрагида ҳам жиддий ўзгаришлар бор. Унга беморни зудлик билан касалхонага ётқизиш кераклигини, чунки бу дард билан ҳазиллашиб бўлмаслигини айтдим. У эса «йўқ, дўхтир, биз эсиз қийналиб қоламиз, касалхонага ётқизишга имконим йўқ, яхшиси, дори-дармон ёзиб бераверинг, шу ёқда даволанади» дея чиқиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай ҳалиги аёлнинг вафот этганини эшитдим. Тасаввур қилинг, ҳали воёга етмаган фарзандлари бор ёш аёлини бор-йўғи ўн кунгина даволатишга қизганган эркакни ким деб аташ мумкин? Ахир бугунги тиббиётимиз энг

салага деярли эътибор бермайди. Олдин мисол: тишни қандай асраб-авайлаш, парвариш қилиш ҳақида ҳатто катталарнинг ўзларида етарли тушулчча йўқ. Фарзандимиз қачон тиши оғриб, тушадиган бўлиб қолгачина дўхтирга чопамиз. Касал тишни осонгина олдириб, қутулиб қўя қоламизу ўрнига сунъий тиш қўйдирамиз. Агар фарзандларимиз ёшлигидан ҳар олти ойда тиш шифокори назоратидан ўтиб турса эди, бу даражада азият чекмасди.

Ёки яна бир нотўғри қараш ҳамон ҳукмрон. У ҳам бўлса кўпчилик флюорография текширувидан ўтишни зарарли деб ҳисоблайди. Бу умуман нотўғри фикр. Айнан ана шу текширув натижасида ўпка сили ёки ўпка, аёллардаги кўкрак саратонини олдиндан аниқлаш имкони борлигини кўпчилик ҳар доим ҳам билвермайди.

Қизиқ, дардимиз кучайгач, шифокорга югураемиз, ташхисни билгач эса ўз-ўзидан «Ҳар ҳолда ўладиган касал эмас эканман-ку» деб, хотиржам бўламиз-да, яна обдон даволатишни орта сураемиз. Узимизча бировларнинг (ма-

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

бий кўриқдан ўтишга вақтини қизганади. Ахир, қачон биз «бу йил қиз чиқари, келаси йил ўғил уйлантираман!» дея ўз олдимизга мақсад қўйганимиздек, «албатта бу йил тиббий кўриқдан ўтишим шарт» дейдиган бўламиз? Тўғри, бунинг учун узундан-узоқ навбатга туриш керак, турли хил тахлиллар топириш шарт. Обдон ўйланг, ҳеч бўлмаса бир йилда бир-икки кун умримизни соғлигимиз учун сарфласак, кейин йил бўйи хотиржам юрамиз-ку! Шунинг ўзи умрингиз узайшининг кафолати эмасми? Тўй-ҳашам, гап-гаштакларга, соатлаб гийбатлашишга вақтимиз ҳам, ҳафсаламиз ҳам исталганча топилади. Ҳатто бир кун келиб ҳар қандай молу давлатимизни ҳам сарфлаб, қайтара олмайдиган соғлигимизга келганда...

— Касаллик қанча ўз вақтида аниқланса, давоси ҳам шунча тез топилади. Маблағ, вақт тежалиши ҳисобига эса умр узаяди,— дейди Лола Саиджоннова яна суҳбатни давом эттириб. — Тошкентда истиқомат қилаётган оналар, аёлларнинг 99,8 фоизи шу йил тиббий кўриқдан ўтказилди. Улар орасида экстрагенитал касаллиги аниқланган аёллар 58,5 фоизни ташкил этган бўлса, шуларнинг 94,6 фоизи соғломлаштирилди. Демак, шаҳримизда хотин-қизларнинг турли хил касалликлардан азият чекишининг қисман олди олинди. Лекин тиббий кўриқдан ўтиши керак бўлган эркаклар, кекса ёшдаги киши-

ТИББИЙ КЎРИК ҚЎРҚИНЧЛИ ЭМАС!

Қариндошимизнинг буйраги оғриб, Жиззах шаҳар касалхонасида икки ой даволаниб чиқди. «Буйрагим йиринглаб кетгани учун осма уколлар билан ювишди. Энди ҳар олти ойда шифокор назоратидан ўтиб туришим шарт экан» деганди у кўришга борганимда.

Орадан икки йилча вақт ўтгач, бир маърақада ўша қариндошим билан учрашиб қолдик. Ёзининг иссиғида белини қалин рўмол билан ўраб олганини кўриб: — Тинчликми, ё яна буйрагингиз безовта қиляптими? — деб сўрадим.

— Э, нимасини айтасиз, энди оёқларим шиша бошлади. Дўхтирга кўринадесам, болалардан, уйдан ортайман. Бу ёғи саксондан ошган қайнонам инсулт бўлиб ётибди. Қарамасам...

— Нима, сизга ўз соғлигингиз керак эмасми?!

У елка қисиб қўйди.

Яқинда уни оғир аҳволда Тошкентга олиб келишганини эшитиб, яна кўргани бордим. Жонлантириш бўлимида ётгани учун ичкарига қўйишмади. Эшитганим шу бўлди: битта буйраги қуриб қолгани учун уни бутунлай олиб ташлашибди...

— Аксарият ҳолларда қишлоқ одамлари ўз соғлиқларига нисбатан ҳаддан ташқари бепарво бўлишади, — дейди биз билан суҳбатда пойтахтимиздаги 2-клиник шифохонасининг кардиология бўлими шифокори Алишер Жонузоқов. — Масалан, шу йил ёзда Қашқадарёдан бир киши хотинини ҳузур-

сўнги замонавий ускуналар билан таъминланган ва бир неча дақиқа ичида ҳар қандай хасталикни аниқлаб берадиган бир пайтда айримларнинг ўз саломатлигига бу даражада эътиборсиз бўлиши — тиббий маданиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Ҳа, ҳар биримиз қачонки, бирон жойимиз оғриб безовта қилса, ўз соғлигимиз ҳақида ўйлай бошлаймиз. Кўзимизга ҳаёт ширин кўринадди. Лекин йиллар давомида тиббий кўриқка бормайдиганлар кейин афсус чекади.

— Ҳар бир одам ўз соғлиғи ҳақида нафақат қайғуриши, балки уни ҳоми назорат қилиб туриши шарт. Тиббий маданият болалиқдан шакллантирилиши керак, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси Лола Саиджоннова. — Мактабларда ҳар йили бир маротаба ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказамиз. Бу жараёни бошлашдан олдин ўқитувчилар огоҳлантирилади. Лекин таассуфки, айрим мураббийлар болаларга бир йилда бир марта шифокорга кўриниш нечоғли муҳимлигини ўқтиришмайди. Энг қизиғи, айнан кўрик бошланган кунлари ўқувчиларнинг кўпчилиги мактабга келмайди.

Болаларда ўз саломатлигига масъулият билан ёндошиш кўникмасини шакллантириш аввало ота-оналарга боғлиқ. Минг афсуски, кўпчилик бу жиддий ма-



лакали шифокорнинг маслаҳати эмас!) «э, нимага кўрқасан, қандай дўхтирга борсанг, барибир бирон касални топади. Чунки улар шунинг учун пул олади!» деган бемаъни гапига ишониб, яна ҳафсаласизлик қиламиз.

Эътибор берганмисиз, қайси поликлиникага борманг, «профилактик текширувлар бепул» деган ёзувга кўзингиз тўшади. Лекин одамлар ўз соғлиғига шу даражада бефарқки, текин тиб-

лар, ёш болалар, ўсмир йигит-қизларчи? Эндиги режамиз аҳолининг ана шу қатлами ҳам бу тadbирга жалб этишдан иборат.

Зеро, донишмандларимиздан бири айтганидек, «Соғлом одам табиатнинг бебахо асари»дир. Шундай экан азизлар: ТИББИЙ КЎРИК ЭМАС, ҲАФСАЛАСИЗЛИК, ЛОҚАЙДЛИК кўрқинчдир!

Барно СУЛТОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



Ойлик маошлар қуйидагича:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.

Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, (собик Иркутск) 20-уй.

МЎЛЖАЛ: Корасув 6. ТЕЛЕФОН: 266-38-31

БАҒРИМИЗ ТЎЛМАЯПТИ...

Кечагина биз аёллар, қизлар бир-биримизнинг бағримизга сингиб-сингиб кўришардик. Юрагимиз меҳрга лиммолим тўларди. Вужудимизни ёқимли ором чулгарди.

Оҳ, ўз жигарларинг, қап-катта фарзандларинг, дўстларинг билан кучоқ очиб кўришиш лаззати, шукрига нима етсин?

Ҳозир эса бошқача кўришяпмиз. Бўйнимизни олдинга чўзиб, кимёга бўялган лабларни чўччайтириб, «чўлп-чўлп» ўпишамиз. Тамом! Бағримиз эса ўқсиб қолаверади. Баъзилар эса сиз томон бўйинини чўзади-ю, ўзининг лабини ўпади: «чипп-чипп!» Сиз эса алданаётганингизни билиб турсиз. Ўқсиб кетасиз. Ёлгон ўқситади сизни. Ота-боболаримиздан қолган ноёб қадрият унутилиб бораётгани ўқситади, сизни...

Бир-биримизни бағримизга босиб, кўларимизга меҳр билан қараб, соғинч сўзларимизни айтиб-айтиб кўришсак... Сезасизми, қандайдир бахтиёр бўлиб кетади одам. Меҳримиз товланиб, жонжигарга айланамиз. Яйраймиз. Ҳа, бизнинг кўнглимиз ўпишсин! Вужудимиз, бир умр садоқат билан гупиллаб уриб турган ғанимат юракларимиз ўпишсин! Ана ўшанда балким, бир-биримизни кўпроқ тушунармиз. Келақолинг-ей, азизларим, сизни би-ир бағримга босай. Бағримни етим қолдирманг, етимлик ёмон!

БОЙЛИГИДАН АЙРИЛГАНЛАР

Олти-етти нафар синфдош йигитлар 35-40 ёшларга етганда... учрашиб туришга аҳд қилишди. «Ҳар ойда бир тўпланиб яйрайлик. Бир-бири-

КЎЗГУ

миздан узоқлашиб кетмайлик», дейишди. Бу яхши! Навбат Абдуллога етганда онаси Ҳабиба хола кеч киришини сабрсизлик билан кутди. «Ўғлимнинг синфдошлари келади! Улар бирга ўйнаб, бирга дарс қилиб, катта бўлишган. Ҳозир ҳаммаси ўзгариб, ўғли каби қап-катта кишига айланишгандир...»

Эшик кўнғироғи жиринглаши билан Ҳабиба хола ошхонадан югуриб келди. Ўғли эшикни очди. Хола уларни кўзларидан таниб олди. Исmlарини айтди. Елкаларига қоқиб кўришди. Ясатиғлик дастурхон атрофига тақлиф қилиб, дуо ўқиди. Хол-аҳволларини, ота-оналарининг саломатлигини сўради. Шу пайт ўғли қўлида чой билан кириб келди ва:

— Ойи, сиз дам олаверинг! Дам олинг! — деди бирдан жиддий тортиб. Хола ногоҳ бошига гурзи тушгандек қалқиб кетди. Оёқлари чалишиб, аранг хонасига чиқиб олди. Хўрлиги келди, йиғлади. Туз тотмай ухлаб қолди.

Эртасига ўғли бу воқеага шундай изох берди.

— Ҳамма ўртоқларимникида бўлганман, лекин ҳеч ким бизнинг даврамизга кирмайди, ойи! На ота-онаси, на хотини, на бола-чақаси. Сиз кириб, хато қилдингиз...

— Тавба! Киши дегани бир жойга борганда аввало ўша уйнинг катталарини зиёрат қилиши, дуосини олиши керак эмасми? Қайтишда ҳам уларнинг дуосини олиб, хайрлашиш керак-ку!

— Йўқ, бизда ундай эмас, ойи! Тушунинг!

— Эссизгина, яна бир бойлиқдан жудо бўлибсизлар-а?... — деди ҳафсаласи пир бўлган хола...

Санъат МАҲМУДОВА

ФАРИБЛАР

Уларни айирдилар, худди «Фариблар» спектаклидагидек. Уларни айирдилар худди «Богбон» киносидаги каби. Ёши бир жойга бориб қолган чол-кампирининг бирини у ёққа, бирини эса бу ёққа судрашди. Бир-бирларига илҳақ бўлишди, интизор кутишди. Юракларини топтадилар. Фарзандларининг ҳайҳотдек ҳовлиларига ҳам кексалар биргаликда сиғишмади. «Каталакдек жой бўлсам майлидди, бирга яшасак бўлди», деб ялиниб-ёлворилларини ҳам сариқ чақага олишмади. Чунки ҳам ота, ҳам онани парвариллаш, боқиб болаларга малол келди. Улар охир-оқибат шунча фарзандни тарбиялаб, вояга етказиб, уйи-жойли қилишга қурб етган инсонларни ўз уйларига сиғдиришга оғринишди. Сабаби... улар пулдор, мансабдор, устига устак ўзбекчиликни аллақачон унутган эдилар.

ЮРАК ТОМЧИЛАРИ

БУРЧ

Аёл оғир аҳволда эди. Жарроҳ аравашувисиз унинг соғайиб кетиши амри маҳол. Бунинг устига ёлғиз ўғли, келини ва кўзлари жовдираб турган на-бирасидан бошқа яқини йўқ эди. Улар оддийроқ яшашарди. Жарроҳ ана шу аёл учун ниҳоятда жон куйдирди. Энг зарур дориларни ҳам топиб келтирди. Операциядан сўнг эса ўғли ҳаяжон билан у қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни билмагани учун охири... бармоғидаги никоҳ узугини ечиб, жарроҳнинг қўлига тутди. Жарроҳ кулимсираб, узукни йигитнинг қўлига қайтарди-да, унинг елкасидан кучиб: «Мен ўз бурчимни бажардим, холос. Насиб этса, ҳаммаси яхши бўлади, ука» деди...

Яйра САЪДУЛЛАЕВА

САБР ҚИЛГАН ЮТАДИ

Газетангизда эълон қилинган «Эрни эр қилинг» мақоласидаги мавзу на-фақат бугунги кунимиз учун долзарб, балки ҳаётийлиги билан ҳам кишини ҳаяжонга солади, ўйлантириб қўяди. Унда ота-боболардан қолган оилавий қадриятларга алоҳида эътибор қаратилиб, мавзунинг асосий моҳияти очиб берилган.

МУНОСАБАТ

Муаллиф ҳаётда содир бўлган бир воқеа мисолида «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган ҳикматда чуқур маъно борлигига ишора этади. Мақола қахрамони кечиримлиликнинг оқибатини ўз ҳаётида кўрди, ишонди, оилани сақлаб қолди. Эрининг шаънига доғ туширмади. Биз ана шундай бекалар кўпайишини, ҳар бир хонадонда миллий қадриятлар эъзозланишини истардик. Ана шундагина оилаларнинг бузилиши, ажралишлар, гуноҳсиз, тирик етимлар сони камаярди.

Мақолада унутилаётган миллатимиз аёлларига хос, ярашгулик фазилатлар тилга олинди, оила бахти учун ҳар бир инсон масъулиятли экани алоҳида таъкидланган. Газетада бу каби жиддий мавзунинг кўтарилиши кўпчиликка манзур бўлади, деган умиддаман.

Ойша ТўРАЕВА,
профессор.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЯГОНА, ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН

«ESFIR»

ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



Манзил: Тошкент ш., Марказ-5, 59-уй, 29-офис
Тел/факс.: (+99871) 235-55-44,
моб: (+99897) 465-00-44



✓ Тўй ва тадбирлар учун ажайиб соч турмаклари турли шаклларга келтириш (сочни майдалаб ўриш)

Бетакрор макияж

Тирноққа оид барча хизматлар (маникюр, педикюр)

Косметология

Профессионал соч олдириш

Танага бадий услубда нақшлар қизиш (турли кўринишда)

Стилист-визажист хизматлари

Мижозларга айтилмасдан ўзлари истагандай хизмат кўрсатиш.

Соч ва киприклари

ПАСПОРТ ТИЗИМИ: ТАДБИР БИРИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНАДИ

Паспорт аввало, шахсимизни тасдиқловчи ва ҳар бир фуқаронинг шу мамлакатнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини расман кафолатловчи энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. Одатда фуқаролик паспорти айрим муайян сабаблар ҳамда ёш ўзгариши муносабати билан боғлиқ бўлган ҳолатларда алмаштирилади. Лекин мамлакатимиз Президентининг шу йил 23 июнда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида биноан 2010 йилдан бошлаб юрtdошларимизнинг фуқаролик паспортларини алмаштириш жараёни бошланади. Бу ҳақда республикамиз оммавий ахборот воситаларида тегишли маълумотлар, мақолалар мунтазам эълон қилинмоқда. Биз яқинда Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бошқармасининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида бўлиб, ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёни қандай кечаётгани билан қизиқдик.




Алишер ҲАСАНОВ, туман ИИБ Х'К ва ФР бошқармаси бошлиғи:

— Маълумки, Халқаро фуқаролик авиацияси (ИКАО) ташкилотига аъзо давлатларнинг келаси йилдан бошлаб биометрик паспортуга ўтишлари белгиланган. Бизнинг республикамиз ҳам юздан ортиқ мамлакатларни бирлаштирган ана шу нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ягона қондага амал қилиши керак. Тўғри, айрим фуқароларимизда "паспортизмизни алмаштиришимиз шартми?" деган саволлар ҳам туғилади. Биз уларга бу табиий ҳолат ва халқаро талаблардан бири эканлигини батафсил тушунтиряпмиз. Энг муҳими, бу

жараён паспорт ва виза билан боғлиқ айрим ҳужжатларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг қалбакилаштирилишига йўл қўймаслик мақсадида амалга оширилаётганини изоҳлаган ҳолда юрtdошларимизнинг дунё миқёсида эркин ҳаракатланишлари учун имконият яратишини изоҳлаймиз.

Айни пайтда Сирғали туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳи билан биргаликда кенг қамровли тадбирлар режаси ҳам тузилиб, амалий ишлари ҳам бошлаб юбордик. Шунингдек, биномизда биометрик паспортлар билан боғлиқ масалалар бўйича фуқаролар мурожаатларига жавоб берадиган ходимлар учун хоналар ажратилди.



Қодир ҲОШИМОВ, бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Ушбу Фармонда қайд этилганидек, қуйи тизимларга фуқароларимиз тўғрисидаги керакли маълумотларни таъминлаш ва биометрик бошқармаимиз бу борада қатор ишларни амалга оширяпти. Икки босқич (биринчиси 2010 йилдан бошланиб, иккинчиси эса 2011-2015 йилларга мўлжалланган) да ўтказилиши белгиланган бу муҳим тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча чора-тадбирлар ишга солиняпти. Очигини айтганда, бошқармаимиз аъзолари, туман ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими вакиллари иштирокида ўтказилаётган учрашувларда фуқаролар ўзларни қизиқтираётган турли фикр-мулоҳазаларни ва янги биометрик

паспорт юзасидан савол-жавобларни беришмоқда. Чунки кимнидир унинг ранги, шакли қизиқтирса, яна биров ундан фақат хорижга чиқаётганлар фойдаланиши мумкин эмиш, деб сўрайди. Биз янги биометрик паспортнинг кўриниши ҳозиргиси билан деярли бир хилда эканлигини ҳамда энг асосийси, унда ҳимоя тизими кучайтирилганини, шунингдек, унга фуқаронинг исми-шарифи, отасининг исми, туғилган вақти, яшаш жойи сингари маълумотлар билан бирга, шахснинг биометрик маълумотлари, электрон кўринишга ўтказилган фотосурати ҳамда бармоқ излари киритилганини тушунтириб берамиз.

Мансур АБДУРАИМОВ, бошқарма бўлим инспектори:

— Табиийки, ҳар қимда турлича савол, мулоҳазалар туғилади. Шу ўринда мен фуқароларимиз эътиборига биометрик паспорт олиши учун қандай ҳужжатлар керак бўлишини яна бир бор қисқача эслатиб қўймоқчиман. Улар ўзлари яшайдиган доимий яшаш жойларидagi ички ишлар идораларидаги мажбурият масала билан бевосита шуғулланадиган бўлинмага келиб, ўрнатилган тартибда ариза тўлддирилади ва керакли ҳужжатларни тақдим этишади. Мисол учун биров 16 ёшга тўлган



бўлса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини, паспорт алмаштириши лозим бўлса, эски паспортни топширади. Хуллас, яна санокли кунлардан сўнг фуқароларимиз учун муҳим саналган масъулиятли тадбирнинг биринчи босқичи бошланади.

Ойгул РАЗЗОҚОВА
ёзиб олди.

БИЛАСИЗМИ?

ПАТРОНАТ

ЁХУД ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни фарзандликка ва оила тарбиясига олиш патронат ишлари шаҳар ва туман халқ таълими бўлиmlари қошидаги вазирлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунда белгиланган тартибда кафолатланади. Фарзандликка олишни истаганлар томонидан берилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар, қолаверса, уларнинг турмуш шaroитларини ўрганиб чиқиш далолатномаси асосида халқ таълими бўлими ариза берилган кундан бошлаб ўттиз иш куни мобайнида ҳулосани тайёрлайди. Ушбу ҳулоса ариза берувчиларга берилади ва фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади. Агар вазирлик ва ҳомийлик органи салбий ҳулосага асосланиб, фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйишнинг рад этилишини ҳулоса имзоланган санадан бошлаб беш кун муддатда ариза берувчига барча ҳужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Агар янги оилада унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари паймол этилса, фарзандликка олувчиларга нисбатан тегишли иш қўрилади ва суд фарзандликка олишни бекор қилиши мумкин. Яъни бунда фарзандликка олувчилар ўз зиммаларига жоқлатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган, ота-оналиқни суиистеъмоқ қилаётган, болаларга шартсиз муомала қилган, муттасил ичкиликбозликка ёки гйёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар, бекор қилиниши лозим.

Дилором БАЙЖОНОВА,
Зангиота тумани ФХДБ бўлими муддир.

ВАСИЯТНОМА ҚАЧОН ЁЗИЛАДИ?

Ҳар бир инсон бутун умри давомида меҳнат қилиб, обрў топади, мулк тўплайди. Йиққан озми-кўлими мол-давлатини фарзандларига мерос қолдириб тақсимлаш, васият қилиб қолдириш бизнинг халқимизга хос фазилатлардан бири, яъни ота-оналар учун бурч ҳисобланади. Бу эса уларнинг ворислари — фарзандлар, қариндош-уруғлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган айрим мулк можаро-ларининг олдини олади. Лекин баъзан бевосита васиятнома билан боғлиқ тушунмовчиликлар ҳам учраётгани боис бу ҳақда Самарқанд вилояти Жомбой туман 1-сон давлат нотариал идораси давлат нотариуси Холбек Маматқуловга бир неча саволлар билан мурожаат этдик:

— Махфий васиятнома нима ва у қандай тартибда ёзилади? — Васият қилувчининг хоҳишига кўра, нотариус васиятноманинг мазмунини билан танишиб чиқмасдан тасдиқлайдиган васиятнома махфий васиятнома дейилади. Уни васият қилувчи ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Шундан сўнг васиятнома

икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, елимланади. Гувоҳлар ўз фамилиялари, исми-шарифлари ва манзилларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар.

Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимлаб, унга нотариус устхат ёзиб қўяди. Шунингдек, нотариал идораларда тасдиқланган васиятномани ҳуқуқий кучга эга бўлади.

— Васиятномани қачон ёзган маъқул?

— Одамлар орасида васиятномани фақат қариганда ёки оғир касал бўлиб қолганда, ўлими олдидагина ёзиш керак деган тушунча бор. Бу нотўғри. Васиятномани хоҳлаган пайтда ёзиш мумкин. Васиятномани қариб ёки оғир касал ётганда ёзгандан кўра ёш ва соғлом пайтда ёзган ўринлидир. Чунки бу пайтда одам аниқ ва тўғри фикрлайди.

Васиятнома ёзиш ҳар бир фуқаронинг шахсий иши. Васиятнома ёзиш муддатини белгилашга мажбур қилишга ҳеч қимнинг ҳаққи

САВОЛ—ЖАВОБ

йўқ. Васиятнома барча нотариал ҳужжатлар каби нотариал идора ва фуқаро ўртасидаги махфий ишдир.

— Васиятномани ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкинми?

— Вақт ўтиши билан оиладаги шароит, васиятнинг ўзгариши, мол-мулкнинг ортиши табиий ҳол. Ана шундан келиб чиқиб, васиятнома ёзувчи аввал ёзган васиятномасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиши мумкин. Аммо васиятнома эгасининг руҳсатисиз васиятнома мазмунини билан танишиш ёки ўзгартиришлар киритишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ.

— Васиятномани расмийлаштириш учун қанча миқдорда бож тўланади?

— Ёзилган васиятномани нотариал идорада тасдиқлаш учун тўланадиган бож миқдори мамлакатимизда энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорига қилиб белгиланган.

«Оила ва жамият» муҳбири
Ҳошимжон ОРЗИКУЛОВ
ёзиб олди.

Тадбиркорлик — қонуний йўл билан фалоният юритганлар, иш-

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

қоний кўзини билганлар учун қони фойда. Бунга риоя этмаганлар эса Жамшид Миралиев (исм-шарифи ўзгартирилган)га ўхшаб кейин пушаймон бўлиб қолиши шубҳасиз.

Бошиданоқ у тўғри йўл тўриб, эгри йўлни танлашни ҳам

ТАМАКИ СОТГАН АМАКИ

Тадбиркорлик деб билди. «Тамаки маҳсулотлари савдоси жуда зўр, сигаретлар хариддор-гир», деган кимнингдир гапини қулоғига илди-ю, бозорма-бозор чопиб, бир неча ойда ҳаққий «тамакичи»га айланди. «Ука дорилари»ни Қўйилдан арзонроққа олиб келиб, «Аския» бозорига сота бошлади. Бир-икки сўм топаман, бола-чакамни боқаман, деб пул топишнинг қонунга хилоф йўлини танлади. Департаментнинг Тошкент шаҳар Яққасарой тумани тезкор ходимларининг тадбири Жамшид ва у каби қонунбузар шахс-

ларнинг қинғир ишларига чек қўйди. Рейд уюштирилган кун соат таҳминан 6:30 ларда «Аския» бозорига ҳеч қандай ҳужжатларсиз савдо қилаётган Жамшид Миралиев хорижда ишлаб чиқарилган ва акциз маркалари елимланмаган жами 12

турдаги 520 қўти, умумий қиймати 421 400 сўмлик тамаки маҳсулотлари билан қўлга олинди.

Оқибатда Ж.Миралиев суд залда ўз айбига тўла иқроор бўлиб, унга нисбатан енгиллик беришларини сўради. Афсуски, «тамакичи амаки»нинг сўнги пушаймони ҳам иш бермади. Суд ҳуқуқига кўра, қонунбузар Жиноят Кодексининг 186-моддаси, 1-қисми билан айбдор деб топилди.

Хуриш АБДУРАҲМОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖОДЛҚК Департаменти
Тошкент шаҳар Яққасарой туман бўлим бошлиғи ўринбосари

«Мен эримнинг иккинчи турмушман. У киши биринчи хотинидан ажрашганига ўн йилдан ошиб кетган. Кўз тегмасин, ҳаётимиз яхши. Уйимизда уруш-жанжал ёки етишимовчилик йўқ. Аммо бизнинг ана шу бахтимизга доим бир нарса соя солиб туради.

собиқ хотинининг дийдиёлари эшитиб ўтираверади. Билиб-билмай ёрдамлашаверади. Албатта, бу ҳолатлар баъзан ўртамизда жанжал чиқишига ҳам сабаб бўлади. Куйганимдан «дадаси овлангиз энди бошқа, унга бегонасиз-ку» — дейман. Эрим эса бун-

МАСЛАҲАТ ЎРНИДА:
Авалло, бу қадар куйинмай, ақл билан иш тутинг. Сиз эрингиз билан узма-юз ўтириб, бафуржа гаплашиб, унга вазиятни тушунтиринг. Балки шу аёл ҳақиқатдан ҳам сизларнинг тинч ҳаётингизга раҳна солгиси келаётгандир?

га ёмонлайверманг. Яхшиси, бошқа бир «найранг» уйлаб топинг. Масалан, эрингиз шоша-пиша кийинганча собиқ хотинининг навбатдаги «чақириги»га отланаётган пайтда сиз ҳам бамайлихотир кўчалик кийимларингизни кийингда, бирор дугонангизнинг

МАКТУБ

эрингизнинг ичига гулгула тушса тушаверсин. Хуллас, токи у «собиқ»нинг кўз ёшларини артишу, дийдиёларини эшитиш билан овозра бўлиб юрган бир пайтда сиз ҳам бу ёқда опа ё

«СОБИҚЛИК» СОДИҚЛИКМИ?

Бу — ушнинг ўша биринчи кўз очиб кўрган хотинидир. Тугри, улар энди қонуни бир-бирига бегона. Қолаверса, эрим ушнинг кўлида қолган ёлғиз қизига алимент тўлашдан ҳам тўхтаган. Чунки бу қиз вояга етган ва ҳозир, олий ўқув юрти талабаси. Лекин шунга қарамай, ўша аёл эримни ҳеч ўз ҳолига қўймайди. Худонинг берган кунни уни чақириб, нималарнидир талаб қилгани қилган. Ҳали бирор жойга олиб бориб қўйишни илтимос қилади, ҳали қараса пул сўрайди. Уйимизга ҳар кунни телефон қилиб, ишонасизми, мен уйда бўлсам ҳам атайлаб собиқ эри билан соатлаб гаплашади. Улар ўзаро нималарни гурунглашишини билмайман, лекин миқ этмайман. Тугри, эримнинг у билан бирор-бир бошқа яқин муносабати йўқ. Бунга тўла ишонаман. Бароқ у кишининг битта айби — жуда кўнгалчилигиндир. Шунинг учун ҳали ҳамон

га жавобан, «қўй энди, бир бахтсиз аёлни кўнгалчи кўтарганимга, сая лар ёрдам қилганимга шунчаликка борма. Ахир, у касал» дейди. Лекин аниқ биламан, у хотини умуман касал-насал эмас. Нуқул эримнинг раҳмини келтириб, баҳона тўқийди. Бир-икки марта кундошимга, очикчасига: «Илтимос, бизни тинч қўйинг деб» айтдим. Буни қарапгики, у дарров бу гапни эримга чақабди. Шу кунгича у киши жавраб кетди: «Мен нима қилай, ўртада қизим бор, сени деб ундан кечолмайман-ку!».

«Нимага кечолмайсиз, кўрқасизми? Ёки...?» — десам, «тушун, у касал, ёлғиз» дейди эрим яна уҳ тортиб. «Бўлмаса, ана — бориб ёлғизингиз билан яшанг», дегим келадию, ана тилмани ташлайман. Айтнинг, мен қандай қўла тутмай? Уша аёлниг нияти нима ўзи?».

Мастура, Термиз шаҳри.



Агар шундай бўлса биллингки, ҳақиқатан ҳам бу аҳволдаги аёлни бирданига қайтариб бўлмайди. Шунинг учун бўлар-бўлмасига уни турмуш ўртоғингиз-

олдигами ёки шунчаки кўча айланганими чиқиб кетинг. У уйга қайтган пайтда эса сиз ҳам ташқаридан хушхандон, хурсанд ҳолда кириб келинг. Кўяверинг,

синглингиз, яқин дугонангиз билан дардлашинг, кўнгил ёзинг. Эрингиз сизнинг бу бепарво, аммо бахтиёр ҳолатингизга қараб, бир индамайди, икки индамайди. Буйини қашлайди. Уйланади. Сўрай деса, бўлмайди. Ана шу пайт телефон жиринглаб қолади. Яна ўшамми?! Энди бу сафар сиз мутлақо бепарво ҳолда қўшиқ ҳаргойи қилиб, нариги хонага намойишхорона тарзда, уни мазахлаётгандек кириб кетаётганингизга ортиқ чидай олмайди. Ҳамон зориллаб ётган гўшакни кўтарди-да, бор овози билан ўшқириб беради:

— Мени тинч қўясанми, йўқми? Ахир неча йил бўлди сен билан ажрашганимизга, қизимиз дейсанми, бўлди, тўйини ўзим ўтказаман, лекин бошқа гап-сўзга ТАМОМ!!!»

Дилфуза ЎРОЛ қизи тайёрлади.

“КАТТА ТАНАФФУС” ЎҚУВ МАРКАЗИ

Куйидаги курсларга таклиф қилади

- Уйғур ва европа таомлари, пишириқлар, салатлар, таомларни безатиш
- Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш
- Тикувчилик
- Оригами (қоғоздан ҳар хил шакллар ясаш)
- Болалар учун (7 ёшдан 16 ёшгача)
- Олий ўқув юртиларига тайёрлов курслари
- Сўзлашув курслари (English club)
- Рус тили (грамматика + сўзлашув)
- Хитой тили (грамматика + сўзлашув)
- Компьютер курслари

- Бисер тикиш ва каштачилик
- Шаҳмат ва шашка курслари
- Рассомчилик
- Уй ҳамшираси
- Тўқувчилик
- Инглиз тили (грамматика + сўзлашув, абитуриентлар учун, TOEFL)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

- 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни рус ва ўзбек мактабларига
- ТАЙЁРЛАШ**
- МАТЕМАТИКА
- ЕЗИШ
- ЎҚИШ
- ИНГЛИЗ ТИЛИ
- МАНТИҚ (ЛОГИКА)
- ЭРКИН МАШҒУЛОТ

МАНЗИЛ: Чилонзор-5, 28-уй, 1-хонадон. Метронинг “Ҳамза” бекати.
МУЎЛЖАЛ: “Спорттовар” магазини. ТЕЛ: 754-30-14, 273-19-09

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«ZENN-SHANS»

ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни олий ўқув юртиларига ўқишга кириш учун куйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машигулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.

Марказ дарсликнинг юқори даражаси сифатига кафолат беради. Назарий ва амалий машгулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотномалар, изгиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтаюна 3 марта 2 соатдан дарс жаъдасига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

Машгулотлар сентябр ойидан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

МУЎЛЖАЛ: «Юнусобод» «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.
ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 212-17-67, 212-34-80. ФИЛИАЛ: Жиззах вилояти, Ғалаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

Тошкент шаҳридаги 7 - автокорхона ОАЖ “Д” тоифали ҳайдовчиларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



Ойлик маошлар куйидагича:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.

Куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси, 49.
ТЕЛЕФОНЛАР: 279-95-31, 279-95-34

«ТО‘РАВЕК ЗИҲО» ўқув маркази

Ҳурматли ва азиз ота-оналар! Фарзандларингиз келажақда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшлиқдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамыз!!!

“Эй ўқувчи — бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, бой бўлишининг ягона калити — билимдир. Уни эгалласанг, юқоридоғларга албатта эришасан. Шунинг учун юракдан ўқи, бўлмасан сарсон бўласан!!!”

МАРКАЗ ШИОРИ

- Лицей ва касб-ҳунар коллежларига тайёрлаш бўлими.
5-6-7-8-9-синф ўқувчиларини (Вестминстер дипломатия, ҳуқуқшунослик...) лицей ва коллежларга тайёрлаш;
- Ўзбекистон олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (Олий миллия мактаби, божхона институти, ҳуқуқшунослик институти, ТДИУ...)
1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиши: Техника йўналиши: математика, физика, она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, кимё, биология.
- Чет эл олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (АҚШ, Англия, Австралия, Япония, МДХ, ...)
1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиши: Техника йўналиши: (математика, физика, инглиз тили, кимё, биология).
- TOEFL дастури (АҚШ программаси асосида, тилни билувчилар учун)
- AIPС дастури (Англия программаси асосида, тилни билувчилар учун)
- Хорижий тилларни ўрганиш бўлими (гуруҳда 12 киши)
1. Инглиз тили, рус тили, араб тили — сўзлашув гуруҳи (50 000 сўм)
2. Турк тили, хитой тили ва корейс тили (100 000сўм)
- Дарсларни конкурсларда голибликни қўлга киритган таҳрибали мутахассислар олиб боради. Тингловчилар тест орқали танлаб олинади. Қабул ҳар кун соат 09:00 дан 17:00 гача. Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди. Тингловчилар ўқитувчини танлаш имкониятига эга. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Машгулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

МАНЗИЛ: «Хадра» мехмонхонаси, 6-қават.
МУЎЛЖАЛ: Тошкент давлат цирки биноси ёнида.
Тел.: 244-26-09, 244-26-34.

Кўшни палатага олтиш ёшлар чама-сидаги увққина киши билан Ҳожимукондан сал берирок яғриндор бир йигит жойлашишди.

Рўпара хонада эса бири хипча, иккинчиси худди «Винни Пух»дай бақ-бақалоқ аёллар бош оғриғини даволатиш учун ётишган экан. Улар ўша куниеқ янги кўшиларимиз ҳақида анча-мунча ахборотлар тўплашга улгуришибди:

— Нариги палатадагилар ота-бола экан, — суюнчилашди опалар, — тоғамиз жуда меҳнаткашу, аммо қўли юқароқ, шекилли. Бўлмаса, ёши бир жойга етган одам хўшдан кетиб қолгунча трактор ҳайдайдики?

— Бола-чақаси кўп бўлса, етказолмаса керак-да, бечора.

— Лекин ўғли келишган йигит экан, — деди хипча аёл шеригининг гапига парво қилмай. — Эртақлардаги баҳодирларга ўхшайди.

оғир олманг, қаттиқ гапирманг, дуосини олинг.

— Отанг тўнғиз бўлса, бойлаб боқ дейишган, — кўшимча қилдим мақол кўполроқ бўлса ҳам.

— Бирон нарсага зориксангиз, ёрдам керак бўлса, тортинмай бизга айтаверинг, ён кўшни — жон кўшимиз, — деб хайрлашдик.

Кечаси энди кўзимиз илинган экан, ўша палатада бирдан шовқин-сурон бўлиб қолди. Кўшнимиздан хабар олгани югурдик. Ҳамшира тоғага оёқларини солиб ўтириши учун тиззага етадиган маҳсус идишда илиқ сув олиб кирибди-да, йигитга тайинлаб чиқиб кетибди. Афтидан нариги каравотда ёнбошлаб кузатиб ётган «Ҳожимукон» мизғиб қолган бўлса керак (уни ҳам айбиситиш қийин — семиз одамлар уйкуга мойироқ бўлишди-ку), тоға, боши айланганми, ўтиравериб зерикканми, ўғлини чақирса

«Наврўздан-наврўзгача» танловиға

га сув кириб қолган кўй сингари бошини сарак-сарак қилди. Ҳамширалар елиб-югуриб тоғора, графинда сув олиб келишиб, беморнинг юз-кўзларини худди ёш болани ювинтиргандай тозалай қаранглар», дебди яшшамагур...

— Тузук, индамасдан жўнавормай, оғохлантириб кетибди-ку!

— Ўлсин, энди шунгаям ярамаса? Ахир нима бўлсам одаму... — деди хипчаси шеригининг гапларига гаши келгандай.

— Ўзи унча ёпишмайроқ турувди, кўзлариям бежорроқ эди, — деди хануз ғазаб алангаси пасаймаган семиз хоним.

Хуллас, ҳолваси бошқа жойдаю, ғалваси бизникида, дегандай, музокара но-нуштагача давом этди.

«Ҳожимукон» қочиб кетганидан кейин икки кун ўтгач, тоғанингни ёнида бир аёл

ўсмоқчиладим ҳамон ишонгим келмай.

«Винни Пух» менга қараб қошларини чимириб, лабларини бурди.

— Гўрдами... йиғиштириниб, ҳамширага «мен ишимдан қолялман, ўзинглар қаранглар», дебди яшшамагур...

— Тузук, индамасдан жўнавормай, оғохлантириб кетибди-ку!

— Ўлсин, энди шунгаям ярамаса? Ахир нима бўлсам одаму... — деди хипчаси шеригининг гапларига гаши келгандай.

— Ўзи унча ёпишмайроқ турувди, кўзлариям бежорроқ эди, — деди хануз ғазаб алангаси пасаймаган семиз хоним.

Хуллас, ҳолваси бошқа жойдаю, ғалваси бизникида, дегандай, музокара но-нуштагача давом этди.

«Ҳожимукон» қочиб кетганидан кейин икки кун ўтгач, тоғанингни ёнида бир аёл

Қамчибек КЕНЖА

КўНГЛИ ТЎҚ ОДАМ

— Нима бўлсам, яхши ўғил экан, — ҳамон муҳкамани давом эттиришарди аёллар. Биз эса уларни жимгина тинглардик. Баъзи аёлларга эшитар қулоқ бўлса бас...

— Фарзанд бўлгандан кейин қайтарсин-да. Ёқимтойгина экан, отаси бечора болалигида уни елкасидан туширмаган бўлса керак. Шўрликкина тоға, болаларини боқаман, деб шу кўйларга тушгандир-да...

— Сиз шунақа дейсизу, ҳозирги ёшлар ичида ота-онасини бу қадар эъозлаб, бошига кўтарадиганлар кам.

— Бошига кўтариб нима қипти, қоляса-када суриб юрибди, шу-да...

— Шуюм катта гап-да. Ҳозир ўзимиздан қиёс, ҳамма пул топиш билан овора. Ота болага, бола отага қарамай қўйди...

Эртасига аёллар кўшни палатадаги ота-бола, аниқроғи, бемор чол ҳақида яна бошқа гап топиб келишди:

— Эшитдингларми, — деди тўладан келган жувон, — тоғамиз тушмагур иштонини хўл қип қўяркан...

— Йигит бечора сўлоқмондай бўлиб, сестра хозияканингни олдиға бўзчини мокисидай қатнаркан. Кечаси ҳоҳатхонага...

Булар ҳар қалай қулгули гаплар эмас эди.

Аёллар «фавқуллода кашфиёт»ларидан хайратга тушмаганимиз, уларнинг сезгирлигига офаринлар айтмаганимиз учун ранжишгандай, бир-бирига имо қилиб, чиқиб кетишди.

Шеригим билан маслаҳатлашдик-да, ўзимиз ҳам узоқ тумандан келганимиз учун кўшилардан хабар олиб, ҳол-аҳвол сўраб кўйишни лозим топдик.

Тоғанингни мияси жароҳатланган бўлса керак, бизга анча қараб ётди. Кейин девор томонга ўгирилиб олди.

Унинг қравоти ёнидаги юмшоқ курсида ўғли нимагадир мош еган хўроздай гўдайдй ўтирарди.

— Ёмон йиқилган эканда-а, — мингирладим нимадир дейиш керак бўлгани ва ноқулай сукунатни бузиш учун.

Йигит мужжалгина бош қимирлатиб қўйди.

— «Энди ишни бас қилинг, бир амаллаб боқволамиз», демасбизлар-да.

— Дедик, — йигит журъатсизгина мингирлади, — ўзиям қайсар. Шу йил пенсияга чиқиши керак эди...

Тоға ўзи ҳақида ноҳуш гап кетаётганини эшитганими ё сезганими, ўгирилиб, йигитга қараб бир ижирганиб қўйди-да, яна аввалгидай ётаверди.


— Яхши эшитмангити, — деди йигит гўё бизни тинчлантириш учун.

— Овқат-повқатни нима қилаяпсиз?

— Шу ерга олиб келиб беряман. Юрса боши айланиб кетади, — деди йигит тезтез гапириб, — эрталаб ўзим бет-қўлини ювиб қўяман. Ҳоҳатхонага олиб бориб... елкасидан ушлаб тураман.

— Майли, ука, — тасалли бердик биз, — отага хизмат қилган кам бўлмайди, фарзанд шунақа пайтда асқотмаса...

— Ҳа, — деб улаб кетди шеригим, —



уйғонмаган. Хуллас, ўрнидан тураман деб оёғини идишдан чиқаролмай, муккачасига полга йиқилган. Оғзи-бурнидан оққан қон ванначадан тўкилган сув билан кўшилиб, белбоғдай жойда қолди, хунук шилмишқ ҳосил қилган эди.

Тоға йиқилаётганда ё йиқилиб бўлганми, жонҳолатда бақриб юборган. Йигит уйғониб кетган. Ҳамширалар ҳам югуриб етиб келишган. Биз кирганда уни ҳали турғизига улгуришмаган эди.

Тоғанингни оёқлари ҳамон тўнтарилиб ётган идишнинг ичида, усти-боши шаллоббо, юз-кўзлари, қошларига қон суркалиб кетган эди.

Беморнинг жуссаси бир сиқимгина бўлса-да, уни турғазига қийналишарди. Унинг бир қўлигидан икки ҳамшира, бошқа томондан бир йигит кўтаришмоқчи бўлаётган эди.

— Хай-хай, нима қиялпизлар ўзи, лоақал анави идишни оёғидан олиб ташлаш керак-ку, — дедим мен ва шошиб ваннача томон ўтдим-да уни торта бошладим. Лекин тор идишнинг ичида тоғанингни оёқлари букланиб қолганми, ҳадеганда чиқавермади. Қаттиқроқ торгани чўчидим, оёқ-поёғи лат емасин деб. Хуллас, беморни ярим белигача кўтаришган жойига қайта ётқизиб қўйишгач, ҳамма унинг оёғидаги ванначага ёпишди. Ростдан ҳам тоғанингни панжалари чангақ бўлиб қотиб қолган эди, оёқларини аранг чиқариб олдиқ. Ҳамширалардан бошқа ҳамма, ҳатто тоғанингни ўғли ҳам бир оз ижиргангандай ҳаракат қилар, мумкин қадар беморнинг кийими, юз-кўзига тегиб кетишдан ўзимизни эҳтиётлардик.

Ниҳоят, беморни турғизиб, курсига ўтқаздик. Нашатир спирт хидидан у ўзига келиб, кўзини очди. Қулоқлари-

Ҳамширалар йигитга ундан ҳам баттарроқ хайратланиб тоқиларди:

— Ҳа, биз ечинтирайликми бўлмаса дадангизни?...

— Кечаси яна хўл қилса-чи?

— Ўзингизнинг чойшабларингизни ўрайсиз.

— Кўрпасиниям алмаштириш керак бўлади.

— Ағдариб қўясиз.

— Кечаси... бир неча марта... бўлади... — деди йигит ҳиссизлик ва ланжлик билан.

— Бир кеча амалларсиз, курсида ўтириб улласангиз ҳам бўлаверади, — деди ҳамширалардан бири асабийлашиб, — ахир отангиз-ку!

Рўпарамиздаги хонада даволанаётган опалар энди биз тарафга қадам ранжида қилишмаса керак, деб ўйловдик. Йўқ, эртаси кун эрталаб киришди.

— Хай кўшилар, анави Ҳожимукон деганларнинг тоғамизни ўғли эмас экан. Бечора чолнинг ўғли туғул қизиями йўқ эмиш. Кечаги воқеадан кейин полвон хайр-маъзурини насия қилиб, сахарда жуфтаник ростлабди.

Бу биз учун чиндан ҳам қутилмаган, галати янгилик эди.

Тоға билан йигитнинг ташқи тузилишларида бирон-бир ўхшашлик кўрмай ажабланиб қўйганим эсимга тушди. Лекин нотаниш одамлар, хусусан гап ташувчи жувонлар олдида мулоҳазамни билдиришга андиша қилган эдим. Бу дунёда қандай гаройиб ҳодисалар бўлмайди, дейсиз. Оламда бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган ота-болалар камми?

— Бутунлай кетибдими? Эҳтимол, бирон ёққа чиққандир — шаҳаргами... Ёш йигит экан, сиқилиб зериккан бўлса...

пайдо бўлиб қолди. Ёши ўтиб қолган бўлишига қарамай, истаралигина бу опа жуда камсукум эди. Хотинларга ҳам қўшилмас, гўё «Ҳожимукон»нинг гуноҳи учун хижолат чекаётгандай маҳзун ва жимгина юрарди. Ҳатто ҳар иккала опа бу аёл билан тил топишишга, унинг «қўйнига қўл солиш»га анча уриниб қўришдию, бироқ дурустроқ натижа чиқмади. Лекин шунга қарамай улар айрим маълумотларни билиб олишганди.

Эмишки, тоға билан аёл ёшлигида бир-бирини Фарҳоду Ширин бўлиб яхши кўришган, турмуш қуришиб, беш-олти йил бирга яшашган, лекин бола кўришавермагач, ажраллишган экан. «Ҳожимукон» — опанингни кейинги рўзгоридан толган ўғли эмиш. Тоғам ҳам бир неча марта уйланибдию, аммо бояқининг пешонасига фарзанд битилмаган экан...

— Бир-бирларидан кўнгли қолмаган экан-да, тавба, шунақасиям бўларканда-а, — деди хипча аёл хайратини яширмаздан. Назаримда, у ўзини опанингни ўрнига қўйиб кўрардию, бироқ бундай фидоиликка қодир ёки қодир эмаслиги борасида тайинли бир хулосага келолмаётган эди.

— Э, шу пайтгача яхши кўришгани қоптими, — деди «Винни Пух», — бунинг бошқа сабаби бордир...

«Балки...» деган хаёл ўтди дилимдан. Эҳтимол, бу оддий одамгарчилиқдир — яқин қариндош бўлишса... Эҳтимол, ростдан ҳам ҳамон бир-бирини яхши кўришар, эъозлашар... Бўлмаса, наҳотки, биронта эркак қариндоши, жиян-пияни топилмаса? Ўзининг хотини-чи? Ё тулмикан шўринг қурғур... Унда аёл-чи? Унинг ҳам эри йўқмикан?.. Шундай бўлган тақдирдаям мусулмончилик, одамлардан андиша қилмадикан?..

Демак, гап-сўз ҳақидиган, андишадан ҳам қулироқ нимадир борлиги аниқ.

Опанингни қалбидан нималар Борлигини жуда-жуда билгим келдию, лекин ҳозир унинг кўнглига бунақа гаплар сиғармиди, устига устак нотаниш бир эркакка қулфи дилини очиб ўтирармиди, деб журъат қилолмадим. Бу орада менингни даволаниш муддатим тугаб, қайтадиган бўлиб қолдим. Нима бўлсам хайрлашиб чиқай, деб кўшни хонага кирдим. Тоға ҳамон гапирмас, рўпарасига курси қўйиб ўтирган аёлга тикилиб ётар, чуқур ботган қорачиқларида элас-элас табассум жилваланарди.

— Худо шифосини берса бу дардлар ҳеч гапмас, — ўзимча таскин бердим опага.

— Раҳмат, ука, айтганингни келсин, — деди опа менга бирров назар ташлаб. Шунда мен аёлнинг кўзларидан ўзимча қандайдир маънолар изламоқчи бўлдим, лекин илкис бир нигоҳдан ниманиям анал-лаб бўларди.

Тоға билан бош қимирлатиб хайрлашар эканман, менга у кўнгли тўқ одамдай, жуда хотиржам кўринди...

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ БЎЛМАСЛИК УЧУН... ОИЛА МУҚАДДАС

...“Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилсин!” Шикоятга ўрин йўқ. Суднинг сўнгги қарори шундай бўлди. Ота ҳам, она ҳам бошлари эгик ҳолда чиқиб кетишди. Бегуноҳ болаларни эса... Давлат ўз ҳимоясига олди!

Бундай воқеалар у ёки бу шаклда (кимдир оталиқдан, яна биров оналиқдан маҳрум қилиниши ҳолатлари) афсуски, жуда кам бўлса-да, ҳаётимизда учраб туради. Маълумки, Конституцияда “Оила ҳимоянинг энг асосий бўғини” сифатида эътироф этилган ва унда энг аввало ота-онанинг ўз ҳуқуқ-мажбуриятлари ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Миллий қонунчиликда ҳам ота-оналик масъулиятини лозим даражада адо этмаган шахсларга нисбатан давлат йўли билан таъсир этиш чораларини қўллаш кўрсатилган. Биз бугун ана шу ҳақда сўз юритамиз.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 12-бобида

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва мазкур ҳуқуқни чеклаш ҳамда уларнинг қонуний асослари белгилаб берилган. Ҳўш, ота-онанинг маҳрум қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқлари нималар ўзи? Аввало, оилда туғилган фарзандни, у ўғилми, қизми, барибир, тарбиялаш, вояга етказиш, унинг манфаатларини ҳимоя этиш, вақиллик қилиш, бошқа шахслардан талаб қилиб олиш, фарзандликка олинишига розилик бериш ва ҳоказолар бизнинг ҳуқуқларимиз ҳисобланади.

Энди ана шу ҳуқуқлардан маҳрум қилиш деганда ота-она ёки улардан бирининг болага ёки у билан боғлиқ манфаатларга нисбатан бўлган ҳуқуқларини йўқотиши тушулинади. Бу бевосита суд тартибиде амалга оширилади. Судга даъво билан ота(она) ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, прокурор, болалар ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбурияти юқлатилган орган ёки

муассасалар (Васийлик ҳамда ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар) мурожаат этади.

Оила кодексининг 79-моддасига кўра, ота-она (улардан бири) ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришдан, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, уэрсиз сабабларга кўра, ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш, тарбия, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортса, фарзандларига нисбатан шафқатсиз муомалада яъни жисмоний куч ишлатиб, руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилган, ўз болаларининг ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир этган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Қонунда бу асослар қатъий этиб белгиланган, уларни кенгайтиришга йўл қўйилмайди.

бошқача айтганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда судлар томонидан фақат ушбу асосларгагина таянлади.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш эса ота-она ёки улардан бирини ўз ҳуқуқидан маҳрум қилмаган ҳолда, болани олиб қўйиш йўли билан уларнинг фарзандга нисбатан ёхуд у билан боғлиқ манфаатларини чеклашни тушуниш керак. Оила кодексининг 83-моддасига асосан судга ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юқлатилган орган муассасалар, мактабгача таълим ҳамда умумтаълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

Шу ўринда мамлакатимизда қабул қилинган миллий қонунчиликка мурожаат этадиган бўлсак, уларда болалар манфа-

атларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчидан, қонунчиликда белгиланганидек, бевосита болалар тарбияси, шу жумладан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва мазкур ҳуқуқни чеклаш билан боғлиқ ишларни кўришда Васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда прокурорнинг иштироки мажбурий эканлиги кўрсатилган. Иккинчидан, мазкур ҳолатдаги ишларни кўриб, ҳал этиш жараёнда албатта боланинг алимент билан боғлиқ манфаатлари қатъий ҳимоя қилиниши қонунда ўз ифодасини топган. Учинчидан эса юртимизда ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишлари ва ота-онанинг фарзандлар олдидеги бурч-вазифаларини адо этиш бўйича қонуний асосда давлат ҳамда жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Бизнинг ниятимиз ушбу мақоламиз муқаддимасида келтирилган кўнгилсиз ибора ҳеч бир оғламга нисбатан имкони борича қўлланилмаса, нур устига нур бўларди.

Сайёра КОШАЕВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси.

СЎНМАСИН, УМИД ЧИРОФИ!

— Гулжаҳон Жалилова, асسالому алайкум, кирсам майлими?

Беморлар касаллик варақаси билан танишиб чиқаётган бош шифокорни бу майин, лекин шикаста овоз хаёлини бўлди. Бошини кўтариб, эшик олдида ийманиб турган аёлга кўзи тушди. Таниш чеҳра... Ҳа, бу ўша.

Дардини бир неча йиллардан буён ичга ютиб, хатто турмуш ўртоғидан ҳам сир тутиб келаётган жувон... Фарзандларини ўзидан-да қизғиниб, ҳаётнинг аччиқ зарбасига нозик жуссаси билан бардош бераётган, бу давосиз хасталик тудайли умри қандай ниҳоя топишини билиб, ҳис қилиб яшаётган она!

Зумда унинг нигоҳларидаги ифода шифокорнинг юрагига кўчди. Қани энди, давоси бўлса-ю, бу аёлни хасталиқдан фориг этса. Унинг кўзларидаги илтижони умидга айлантирди!

Онкогинеколог Гулжаҳон Ҳақимова иш жараёнида бу каби ҳолатларга жуда кўп бора дуч келади. Аввало, беморнинг кўнглига таскин беришга, яшашга нисбатан умид уйғотишга ҳаракат қилади ва бемор билан ёнма-ён туриб, бу дард билан олишади.

У 1958 йилда Косонсой шаҳрида туғилган. Шаҳардаги 5-мактабни тамомлагач, Андирон Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1982 йилда олий ўқув юртини даволовчи врач ихтисослиги бўйича тугаллади.

Сўнг бир йил мобайнида вилоят кўп тармоқли марказий шифохонасида жарроҳлик мутахассислиги бўйича интернатура ўтади. 1983 йилда вилоят онкология диспансерида онкожарроҳ вазифасида иш бошлади. 1985 йилда уни шу диспансернинг поликлиника бўлими мудирини этиб тайинлади. Ҳамиша изланиб, ишлашга ўргатган Гулжаҳон Жалиловани аёллар ўртасида учрайдиган ўсма касалликларни ташвишга солар ва уни даволаш усуллари қизиқтиради. Шу боисдан 1994 йилдан бошлаб у онкогинеколог вазифасида ишлай бошлади.

1998 йилдан буён эса вилоят онкология диспансери бош шифокори лавозимида ишлаб келмоқда. Ўтган йиллар унинг иш фаолиятида ёрқин из қолдириб, 2002 йилда илмий ишини муваффақиятли ёқлаб, тиббиёт фанлари номзоди даражасини олди. «Соғлиқни сақлаш аълочилиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Лавҳамиз қаҳрамони бахти бутун аёллардан. Қизлари Феруза ва Дилафрузлар ҳам она касбини танладилар.

Шахсий ҳаётда унинг барча орауларини ушалди, фақат битта умиди бор: юқоридеги каби хасталикка чалинган беморлар дардига тезроқ шифо топила эди...

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

ТАЪЗИМ

Мош дуқакдошларнинг қапалақулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Унинг бир неча турлари бор: Эрон моши, Хитой моши ва Ҳиндистон моши. Бу ўсимликнинг пояси 20-100 см, туқли, сершоҳ, чирмашиб ўсади. Гули сарғиш, қисқа шингилларга тўпланган. Мош дони таркибида оқсил, мой, крахмал, дармондорилар, микромаъданлар бор. Буюқ аллома Абу Али ибн Сино ушбу неъматнинг шифобахш хусусиятига шундай таъриф беради: «Асаб огриқларида мошнинг умумдан олинган шароб билан ва заъфарон қўшиб қайнатил-

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

ган шароб билан аралаштириб қўйиб боғланса, айниқса фойда қилади. Узилиш ва эзлишларга ҳам қўйиб боғланади.

Мош ясмик донига нисбатан латиф, хушхўр таъмили, жуда тўйимли, покиза қон таркиб топишга эм бўлади, қонни тозалайди...

Мош асабларни тинчлантиради, кўзнинг кўриш қувватини оширади. Бош огриқларига, буйрак хасталикларига

ҲАМ ТЎЙИМЛИ, ҲАМ ДАВО



якши фойда беради. Мия фаолиятини яхшилайди, зехни ўткир қилиш хусусияти бор. Паришонотирликнинг олдини олади.

Мошли таомлар тананинг юқумли хасталикларга бардошлилигини оширади. Шунингдек, тутиш керакки, мош совуқ мижозли кишиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Улар мошини мурч, зира, долчин, қалампир, занжабил, хантла каби зирворлар билан тановул қилишлари даркор. Шунингдек, аллергияси бор кишилар ҳам мошини меъериде истеъмол қилишлари лозим.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАШ КЕРАК?

Дазмол ишлатилмайдиган хонадон бўлмаса керак. Баъзан шу матоҳни харид қилаётганимизда унинг сифатига кўпда эътибор бермаймиз. Лекин у яхши бўлса, буюмни дазмол қилаётганимизда ортиқча асабузларликка ҳожат қолмайди. Дазмолнинг қуввати қанча



баланд бўлса, у шунчалик тез қизийди, ҳамда вақтингизни тежайди. Асоси алюминий, пўлат ва тефлон (синтетик полимер) қопламали дазмоллар мавжуд. Алюминий ва пўлатдан ясалганлари тез ўчиб, тез ёниши билан бирга анча чидамлидир. Тефлон қопламалари эса жуда энгил бўлиб, уларнинг асоси тез қурилади. Металлоке-рамика асосли дазмоллар ҳам ҳар жихатдан қулай бўлса-да, у жуда эҳтиётталабдир, қўлингиздан тушиб кетса, тез бузилади. Танлаётганда унинг вазнига эътибор бериш керак, оғир ҳам, энгил ҳам бўлмаслиги керак.

КИЙИМ ДАЗМОЛЛАШ

Дазмоллаш учун зарур ҳарорат ҳосил бўлганда ўзи ўчиб, яна ёниб турадиган, сув буғи пуркайдиган дазмоллар анча қулай. Кимёвий тозалардан

тўқилган матолар дазмолланаётганда унча қиздирилмаслиги, табиий ипак ва жун матоларга эса қаттиқ қиздирилиши керак. Пахта ва зигир толасидан тайёрланган матолар намлаб ёки сув пуркаб дазмолланади. Шойи матоларни қуришти ёки намлигида орқа томонидан пахта толасидан тўқилган юпка қуруқ мато қўйиб дазмоллаш керак. Яхши қуримаган кийимларнинг чоклари, қалин жойлари баъзан дазмолдан кейин ялтираб қолиши мумкин. Уни йўқотиш учун ялтираган жойни хўллаб артиш, бир муддат буғ устида тутиб туриш, қуришти кейин орқа томонидан юпка мато қўйиб лозим. Астарлик матолар одатда яхши қуришти дазмолланади, нам ҳолида қилинса ярқирамайди деган бўлиб қолади. Ипак толасидан тикилган кийимлар дазмолланмагани маълум. Агар зарур бўлса, тескари томонидан ёки устидан зигир толасидан тўқилган мато қўйиб дазмоллаш лозим.

КИСЕЛ ТАЙЁРЛАШ

Кисел таркибида жуда кўп фойдали витаминлар борлигини



ҳамма ҳам билавермаса керак. У янги пишган мевалар, уларнинг шарбатлари, сут, вино ва бошқа мевалардан тайёрланади. Қуюқ киселни парда қопламаслиги учун устига юпка қилиб шакар сепиш тавсия қилинади. Кисел

одатда совиған ҳолда истеъмол қилинади. Қуюқ дастурхонга сут ёки қаймоқ билан тортилади.

СМОРОДИНА КИСЕЛИ.

Тозаланган ва ювилган смородина қошиқ билан эзилади, докадан ўтказилади ва шарбати бошқа идишга солиб қўйилади. Шарбати сиқиб олинган меваси устига қайноқ сув қўйиб қайнатилади, сўнг сузиб олинади. Крахмални аралаштириш учун ярим стакан шарбат совитилади. Қолганининг ичига ярим стакан шакар қўшиб, қайноғига етказилади. Унинг устига крахмал солиб ёғоч қошиқ билан қовланади. Кисель қайнаши билан оловдан олинади. Совитилгач шарбат қўйилади. Ўрик, олма, олхўри, олча каби мевалардан ҳам худди шундай усулда кисел тайёрланади.

Б. СУЛТОНОВА
тайёрлади.

Мутахассислар хулосасига кўра, ҳар бир инсон у ким бўлишидан қатъий назар, ўз исмини эшитса, бир антикиги кўяр экан. Яна ҳам антикиги, инсонни дунёдаги ҳамма номлардан ҳам кўра ўзининг исми кўпроқ ҳақиқатлар экан. Бу аслида ҳеч кимга бегона бўлмаган ҳиссиёт.

Агар сиз бир одамнинг номи ёдингизда сақлаб, келгуси учрашувда унга исмини айтиб мурожаат қилсангиз, сиз ўз сўхбатдошингизга катта сажимлик ва ҳушвақтингиз бахшида этган бўласиз. Бироқ ўша одам номи ёдингизда қолма-

Эндрю Карнегини «пўлат кироли» деб аташарди. Аслида унинг ўзи пўлат ишлаб чиқариш борасида ҳеч нарса билмас, лекин шу соҳанинг юзлаб билимдонлари унинг учун ишлар эди. Чунки у одамлар билан қандай муомала қилишни биларди. Унинг бойиб кетишига ҳам ана шу истеъдоди бош омил бўлган. Бир мисол. Пенсильванияда темир йўл қурилиши борар эди. Э. Карнеги ўзининг пўлат йўлини таклиф қилмоқчи бўлади. Ўша вақтда темир йўлининг эгаси Эдгар Томсон деган киши бўлган. Карнеги ўзининг пўлатни қайта

чандон оширарди. Унинг иш-хонасида бирор марта ҳам иш ташлаш бўлмаганлиги эса бу шахарда сира учрамайдиган муваффақият эди, бунга айнан унинг мана шу одати бош сабаб қилиб кўрсатилади.


Бу узоқ Европада бир замонлар бўлган воқелик бўлсада, унинг сизу бизга ҳам бевосита алоқаси йўқ эмас. Мана, айтилик, биров ўқитувчи — катта мактабда ишлайди, биров — фермер, далада экин экади, яна кимдир — ташилот ходими, бу борада ҳар кимнинг тасаввур қилиш имкониятлари кенг. Хўш, сиз шу каби жуда

КУЗАТУВ

этиборлиси, улар ўз маъноси билан, керак бўлса ўз мақсади билан гўзалдир. Сўнгги вақтда урф бўлаётган баъзи ўзбекча бўлмаган исмлардан тортиб, мутлақо бирор маъно-мазмун бермайдиган исмларгача. Бу энди ота-она ва исми қўйиш ваколатига эга бўлган юртдошларимизга тегишли масала. Бизнинг тўхталмоқчи бўлаётган мавзумиз, биз уларни нотўғри талаффуз қилишимиз, тўғри айтмаслигимиз, қисқаси, бузишимиздир.

Шу ўринда Фаргона водийсидаги гўзал одатлардан бирини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Қаранг, ҳар қандай исмга «бой», «жон», «хон» каби қўшимчалардан қўшиб айтишади: Фарход-

КўНГИЛДАН КўЧИРМАЛАР



ЭРИН ЁМОНЛАГАН ХОТИНДАН ҚЎРҚИНГ!

Бизнинг Шарқда, айниқса, ўзбек оилаларида отанинг ўрни беқиёс. «Ота ўлтирган уйнинг томига чиқилмайди» деган ҳикматли иборанинг моҳиятини англайлик. Ҳар қандай вазиятда ҳам ота ўз номи билан отадир. Уйда ҳам, кўча-кўйда ҳам унинг ўрни, мартабаси, шарафи ўзгача.

Шундай бўлса, ота энг аввало, ўз оиласида ақл-идроки, одоб-ахлоқи билан хурмат-этибор қозониши керак. Унинг ўзи аввал бошқаларга меҳр-оқибат кўрсата олсин. Ана шундан кейингина уни оиласидakilар хурматини жойига қўяди. Акси бўлса, урди худо, на аёли назар-писанд қилади, на фарзандлари (маҳалла-кўйини-ку қўяверинг).

Аёл-чи? У меҳрибон она, саранжом-сариштали уй бекаси, маҳалланинг куйинчак фаоли ва... яна кун бўйи гап сотиб ўтирадиган гийбатчи, тарозидан уриб қоладиган олибсотар, яқинда тушган келинини ёмонлаб, ўғлига урдирган тўхматчи қайнона.

Тўғри-да, танганинг ҳам икки тарафи бор дейдилар. Лекин... «Аёлнинг, Онанинг ёмони бўлмайди» деган гапга шахсан мен шубҳа билан қарайман. Нега дейсизми? Унда ўғрилиқ, талончилик, товламачилик ёки оғуфрушлик қилиб қамалаётган йигит-қизлар қардан пайдо бўла-япти? Ҳа, буларнинг бари Оила тарбиясида йўл қўйган хатоларнинг маҳсули. «Фақат она эмас, ота ҳам айбдор-ку!» деясизми? Тўппа-тўғри, бу ота юрган изми ота ҳам босганининг касри.

«Нима қилай, эрим ношуд бўш-баёв, ўқиган, яхши, ёғлигина жойда ишлайди, ўзимми, ишламайман, уйда ўтираман. Иккита болаимиз бор, катта бўл қолмишган, шу десангиз мен гап-гаштакни яхши кўраман. Ўзимга ўхшаган ёстона хотин билан ҳар ҳафта рўстарада ўтирамиз. Беш кунлик дунё бўлса, уйнаб-кулиб қолай дейман-да. Бошқа дўгоналаримнинг эри бўлмаса-ям машинаси, икки қаватли уй-жойи бор. Шуниси менга алам қилапти. Менинг ҳам улардан кам жойим йўқ-ку?»

Бу гапларни эшитиб, секингина ёқамни ушладим ва «Эрин ёмонлаган хотиндан қўрқинг!» деган шеърини ёзган шўрнинг отасига раҳмат-е», деб қўйдим.

Аноркул РУСТАМОВ,
Бекобод тумани.

УНУТИЛИШГА МАҲКУМ БЎЛМАНГ!

ганини сезса ёки сиз унинг исмини нотўғри айтсангиз, ўзингизни қийин аҳволга солиб қўйиш билан бирга унинг сиз ҳақингиздаги тасаввурини ҳам бузиб қўясиз.

Биз кўпинча ўз этиборсизлигимизни ишимизнинг қўпчилигига йўямиз, кунинг асон-саноксиз одамлар билан учрашишимиз туфайли уларнинг ҳар бирини ёдда сақлаб қолиш қийинлиги каби баҳоналарни қалаштириб ташлашимиз мумкин. Аммо кўйинг шу гапларни, қани айтинг, қай биримизнинг ишимиз ХХ-XXI аср қаҳрамонлари сифатида эътироф қилинган машҳур шахслар (давлат раҳбарларидан тортиб, оддий аскарларгача)ниқидан кўпроқ? Ёки қай биримиз машҳур арбоб Рузвельт даражасида ишлай оламиз?

«Кунлардан бир кун, — дейди рухшунос олим Дейл Карнеги. — Мен Жим Фарондан интервю олдим ва унга «Билишимча, сиз ўн минг одамнинг исмини биласиз» деб қўйиб ўтдим, у эса «йўқ, жаноб, адашдингиз, мен элик минг одамнинг исмини биламан» деди». Энди бу одамнинг қимлигини билмоқчи бўлсангиз, айтиб қўй, Ф. Рузвельтнинг президент бўлиб сайланишида ейкан Ж. Фароннинг хизмати беқиёс. Нега десангиз, сайловчиларнинг жуда катта қисмини ўз исми билан атаган номзод уларнинг хурматига ҳам эришган-да».



қувоччи заводига «Эдгар Томсон номидаги пўлат қувоччи завод» деб ном қўяди. Бундан завқланган Эдгар Томсон Карнегининг темир йўлларини сойтиб олади. Карнегининг фаолиятида бундай мисоллар кўп. Ва уларнинг ҳар бирида у инсонга ана шундай психологик ёндошиб меҳрини қозонган, йўлини очган. Карнегининг ўз дўстлари ва иш борасидаги шерикларини ўз исмлари билан аташи унинг раҳбарлик сирларидан бири эди. У ўз ишчиларини ҳам аксарият ҳолларда ўз номи билан атаб, бу эса оддий ишчиларда раҳбарига бўлган хурматни юз

кўп одамларни уларнинг исми билан атайдиган раҳбарни биласизми? Албатта, қўргансиз, ҳеч бўлмаса эшитган чиқарсиз. Чунки бундай одамлар ора-мизда кўп.

Ҳақиқатдан ҳам Карнегининг хулосаларини маъқуллаш керак, сиёсий арбоблар ўзлаштириши лозим бўлган энг биринчи дарслардан бири «Сайловчисининг исмини ёдда тутиш — бу арбобга хос доноликдир. Уни эсдан чиқариш — унутилиб кетишга маҳкумлиқдир», — дейди у.

Яна исмларга қайтамыз. Улар турлича, неча миллиардларни ташкил этса керак-а! Энг

жон, Мансурбек, Дилоромхон, Арофатбегим, Уролбой каби. Ёқимли эшитиладими? Ҳаммага хуш ёқади. Ўзингизнинг исмингиз шунчалар чиройли эканини илк бор англагандай бўлиб кетасиз. Ва аксинча, Муҳаммадни Мамат, Абдурашидни Абди, Миркомилни Мир, Абдорни Аби, Жўравойни Жўра ёки ҳатто, Жора, Фахриддинни Пахи деб ишлатиш, қисқартиришлар албатта уни турли яқинлик маънолари билан минг безасак-да ушбу исм эгаларининг кўнглига тегади. Чунки биз юқорида таъкидлаганимиздек инсон қаерда яшashi, қайси миллат вакили бўлиши ва яна бир асосий жиҳати қандай жаранглашидан қатъий назар, ўз исмидан фахрлиниши керак эмасми?

Исм — инсоннинг бир умрлик йўлдоши. Баъзан яхши исми одамлар эл аро хурмат топмай, нотўғри яшасалар, уни таниган-билганлар яқинларига шу исми қўйишни маъқул кўрмайдилар: «Тагин шунга ўхшаб қолмасин», дейдилар чоғи. Аммо инсон ўз одоби ва хулқи билан ўз исм-шарифини улуглаб юрганига не етсин.

Чўқур ўйлаб кўрсак бу сизу биздан оддийгина эътибор талаб қилади, холос. Эътиборли бўлиш эса хурматни оширади, сизга меҳрибон инсонларни кўпайтиради. Чунки сиз бунга лойиқсиз, бирорда!

Хусан ЭРМУХАММАД,
журналист.

ГУВОҲНОМА КЕРАК ЭМАСМИ?

Ораמידа фарзанди туғилган, тегишли ҳужжатларни ўз вақтида олишга бефарқлик қилаётганлар ҳамон учраб турибди. Бу эса фуқароларимизнинг амалдаги қонуларни яхши билмаслигини кўрсатади.

Ҳатто боласига мактаб ёшига етгунча ҳам туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ни олмаб юрганлар ФХДЁ бўлимига мурожаат қилади. Масалан, туманимиз миқёсида жорий йилнинг октябрь ойига қадар 11 нафар ота-ондан муддати ўтган туғилганликни қайд қилиш бўйича аризалар келиб тушган. Ахир, фарзанднинг дунёга келиши инсон ҳаётидаги энг муҳим воқеа ҳисобланди-ку! Қизиқ, негадир биз чақалоқ дунёга келса, тўй-тантана, зиёфат бе-

ришни унутмаймиз. Аммо, гувоҳнома боланинг қайси вақтда туғилганлиги, унинг ота-онаси ким эканлигини тасдиқловчи ягона ҳужжат бўлсада, юқоридаги ҳолатларга нима дейсиз? Хўш, келгусида бошқалар ҳам ана шундай чигал вазиятга тушиб қолмасликлари учун нималарни билиши керак?

Маълумки, туғилганликни қайд этиш бола туғилган жойдаги ёки унинг ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ бўлимида амалга оширилади. Бунда албатта ота-оналарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва боланинг туғилганлигини тасдиқловчи туғруқона маълумотно-

маси тақдим этилиши шарт. Агар эр-хотин қонуний никоҳда бўлмасалар, у ҳолда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар-

ХУҚУҚ ВА БУРЧ

га асосан оталикни белгилаш ҳақидаги аризасига мувофиқ боланинг туғилганлиги расмийлаштирилади.

Тақдир тақозоси билан баъзи аёллар биринчи никоҳлари билан қонуний ажрасмасдан туриб, иккинчи марта шаръий никоҳдан ўтиб яшаш жараёнида фарзанд кўрадилар. Оила кодексининг 60-моддасига биноан қонуний никоҳдан бўлган аёлдан туғилган болаларнинг туғилганлик ҳолати отаси вафот этган вақтда ва ота-онасининг никоҳла-

ри бекор қилингандан кейин 300 кундан кўп вақт ўтмаган бўлса, у ҳолда боланинг туғилганлигини қонуний туғилган болалар сингари ота-оналарининг никоҳ гувоҳномалари асосида қайд этилади.

Ота-оналардан бирининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган алоҳида ҳолларда ФХДЁ бўлимида туғилганликни қайд этишни рад қилиши мумкин эмас. Бунда ҳужжатлари бўлмаган ота ёки она ҳақида маълумотлар, никоҳ ёки аввалги болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувлари асосида кўрсатилади.

Сурайё ИЛЁСОВА,
Тошкент шаҳар Учтепа тумани ФХДЁ бўлими инспектори

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

— Ойи, ойижоним! — Сабрина ёш боладек олдига дастурхон ёзаётган онасининг белидан маҳкам чуқоқлаб олди.

— Ҳа, қизим, нима бўлди?
Маҳбуба опа қизининг юзларини кафтлари орасига олиб, кўзларига тикилди. Киприклари орасидан икки томчи ёш сизиб чиқди. Бунни қизига кўрсатмаслик учун унинг бошини бағрига босди.

— Ҳазилнинг гўзал қизим!
— Ойижон, энди мендан сира хавотир олманг, яхшиман. Ҳаётга сиз каби тик боқиб яшай олиш кераклигини англадим.

— Ҳазилнинг ақли қизимдан айланай. Мана, мен. Даданнинг вафотидан сўнг бу дунёда яшай олмасам керак деб ўйлагандим. Аммо сизларнинг мендан нажот кутган нигоҳларингизни кўриб, яшашга мажбур эканимни тушуниб етганман. Дадангизнинг ҳам ўзини босиб, у қилиши керак бўлган ишларини ҳам бир ўзим гарданимга олдим. Энг муҳими, мен ёлғиз эмасдим. Бахтимга сизлар бор эдингиз...

Бунни ҳаёт деб қўйибдилар, қизим. Ҳар кимнинг пешонасига турлича қисмат битилган. Синови дунё, ақлсизлик қилсанг, тобора бахтсизлик домига чуқиб бораверасан. Кураша олсанггина, ўзингни чин инсонлар қаторида кўрасан!

Сабрина. У энди бутунлай ўзгарган. Совуққон, ишдан бошқа нарсани ўйламайди. Кўча-кўйда қўл ушлашиб юрган йигит-қизларни кўрса, нафрати кўзийди. Муҳаббат, севги ҳақидаги суҳбат тугул, ҳатто қўшиқларни ҳам эшиттиси келмайди.

Йиллар ўтди. Сабрина анчадан буён режалаштириб юрган, аниқроғи, дадажонисининг орзуси бўлган ишга қўл урди. Асосан ногирон, кўмакка, кимнингдир қўллаб-қувватлашига муҳтож хотин-қизларга хўнара ўргатиладиган марказ очди. Аъзолари ўз қўллари билан тайёрлаган маҳсулотлар билан ҳатто халқаро кўرғазмаларда қатнашди. Унинг қатор лойиҳалари нуфузли жамғармалар, ташкилотлар томонидан юқори баҳоланди. Тадбиркор ва ишбилармон аёллар ўртасида унинг обрўйи кундан-кунга ўсиб борарди.

Беҳзод эса... Унда ҳаммаси чаппа айланарди. Ишдан айрилди, дўстлари атрофида анча сийраклашиб қолган. Топиш-тупишида барака йўқ. Боз устига...

... Ҳашаматли касалхона дарвозасидан чиқиб келган Беҳзод кўча бошига келган, жойида туриб қолди. Қўлидаги бир парча қоғозга кўз югуртирди. Аллақанча сўмлик дори-дармонлар рўйхати. Шунча пулни қаердан олади? У бор аламини шу бир парча қоғоздан олмақчидай, уни ғижимлади. Кейин кўча бўйлаб пибда юриб кетди.

— Беҳзод!
У овоз келган томонга ўтирилди. Синфдоши Акрам унга сари юриб келарди.

— Ҳа, Акрам, қалайсан?
— Бормисан, ошна? Нималар қилиб юрибсан?

— Даданинг анчадан буён мазалари йўқ. Касалхонада ётибди. Кўргани келгандим.

— Худо шифо берсин. Хафа бўлма, тузалиб кетади.

— Ҳа, биз ҳам умид қиляпмиз...
— Ҳозир нима қилмоқчисан?

— Уйга борай, пул топишм керак.
— Гап бундай: ҳозир менинг дўконимга ўтамиз. Менда бор, бериб тураман. Даданг тузалиб кетганларидан сўнг қайтарарсан. Ундан кейин бирор жойда овқатланамиз. Келишдикми?

— Яхши бўларди, огайни...
Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтгандан сўнг Беҳзод Акрам билан мўъжазгина кафегга кириб келишди. Нимқоронги кафе ёшлар билан гавжум эди. Майин мусиқа тараларди. Иккиси бурчақда столни танлашди. Улар овқатланишар экан, орқа тарафдаги столда ўтирган бир қиз ва бир йигит ҳиринг-ҳиринг кула бошлашди. Беҳзодга қизнинг овози жуда таниш туюлар, аммо мусиқа ҳалал бериб, ким эканини аниқ фарқлай олмасди.

— Энди қаяққа борамиз, — деди йигит қизга.

— Бугун сизнинг измингиздаман.

Қаяққа десангиз, боравераман. Фақат...

— Нима «фақат»?

— Фақат анави эрим ўлгур оёғимиз остидан чиқиб қолмасайди деб кўрқаман, — нозланди қиз.

— Кўрқманг, жоним, ёнингизда мен борман-ку. Кўрса нима, жуда бўлса...

Кейин... — йигит гапининг давомини пиширлаб айтди. Қиз эса яна ҳиринглаб кулди.

Беҳзод беихтиёр ортига ўтирилди ва... у ерда бегона йигит пинжига суқилиб ўтирган... ўз хотинини кўрди!

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

— Сабрина Самандаровна, сизга пойтахтдан кўнғироқ қилишди. Бошқа вилоятларда ҳам марказимизнинг филиалларини очиш тўғрисидаги таклифингиз маъқулланибди.

— Яхши. Нигора, сиз мана бу ҳужжатларнинг ҳаммасини компьютерга туширинг. Кейин...

Сабрина хонаси олдидаги коридорга териб қўйилган қатор стулларнинг энг

Шахло ТОШБЕКОВА

САБРИНАНИНГ САБР КОСАСИ



Кафе бир пасда ур-тўполон бўлиб кетди. Беҳзод аввал йигитга ташланди. У бир амаллаб қочиб қолган, хотинининг дуч келган жойига тепа бошлади. Уни Акрам ва икки-уч нафар кафе назоратчилари ажратиб олишди, сўнгра кўчага чиқариб қўйишди. Хотини унинг чангалдан чиқиб, қаергадир урра қочди.

Ҳа, бир томондан олиб қараганда, Беҳзоднинг ўзгаларга қилган хиёнат вақти-соати келиб ўзига қайтаётган эди.

Икки кундан кейин уни икки ишлар бўлимидан сўраб келишди. Хотини касалхонага ётиб олган экан. «Эрим мени бесабаб уриб, соғлигимга зиён етказди», деган маънода ариза билан мурожаат қилибди. Кейин суд бўлди. Беҳзод жазога тортилди. Суд биносидан чиқаётган Беҳзод истеҳзо ила унга чимирлиб қараган хотинини саволга тутди:

— Нега ундай қилдинг?
— Мен уни севардим.

— Севсанг, нега менга тегдинг?
— Бойлигингиз ва амалингиз учун текканман сизга. Кейин билсам, ҳаммаси омонат экан. Ҳозир нимангиз бор? Куруқ савлатингиз холос. Менинг эса ҳали ҳаётда орзу-ҳавасларим жуда кўп!

Беҳзоднинг бошига кимдир гурзи билан туширдию, бу гаплар овоз эмас, оғриқ бўлиб кирди кўлоғига. Кўз олдида негадир Сабрина гавдаланди. «У мени қаргаган экан», хаёлидан ўтказди. «Шундай покиза қалбли қиз мен нотавонни севиб қолганди. Бошимга бахт қуши кўнган экану, мен аҳмоқ уни ўз қўлларим билан учуриб юборган эканман. Уччириб эмас, чала жон қилиб, азобга ташлаганман. Ҳа, менга бу кўргиликлар ҳам кам. Кам! Кам!»

Ўтган-кетганлар суд биноси олдида панжарани бор қуви билан муштлаб бақираётган бу йигитга гоҳ ачиниша, гоҳ кулиб қараб қўя қолишарди. Аммо ҳеч ким унга далда беришни истамасди...

охиргисид мунгайиб ўтирган бир кишини кўриб, гапини тўхтатди. Унинг ишораси билан котиба қиз чиқиб кетди. Сабрина бир сония жойида туриб қолди. Шу қисқагина лаҳза ичида бир неча йиллар аввалги ҳаёти кўз ўнгидан лип-лип этиб ўта бошлади. Йигит ўрнидан туришга ҳам ўзида зўрға куч топа олди чоғи, тургандан кейин бир чайқалиб олди.

— Сабрина...
— Нега келдингиз?!

— Сиздан... узр сўрагани...
— Энди кеч. Ҳаммаси ўтиб кетди.

— Биламан, лекин...
— Кўряпман, аҳволингиз яхши эмас.

Лекин бир нарсани унутманг: қаршингизда турган аввалги гўл Сабрина эмас! Кўзимдан йўқолинг. Акс ҳолда неча йиллардан буён юрагим тубида ётган аламларим уйғонса борми, сизни бурда-бурда қилиб ташлашим мумкин!

— Розиман. Фақат мени кеч...
Беҳзоднинг гапи оғзида қолди. Сабрина эшикни қаттиқ ёпиб, хонасига кириб кетди.

Мана, шунга ҳам бир неча ой бўляпти. Беҳзодни кўпчилик телбанамо одамлар қаторига қўшиб бўлган. У ҳар кунни Сабринанинг йўлини пойлайди. Кечирисидан ҳамон умидвор...

МУАЛЛИФДАН: Мана, азиз муҳлис, ҳикоямиз қаҳрамонларининг қисмати билан ҳам танишдингиз. Хулоса битта — бу дунёда ёмонлик беиз кетмайди. Кўнғилга озор бериш — гуноҳлар ичида энг оғири. Мана шу гуноҳга қўл урган Беҳзод кечирисига лойиқми? Айни бахт қасрида чин аёллик сурурини тотишга муносиб Сабринанинг ёлғизлик либосида юриши адолатданми? Унинг қалбини яна илиқ, лекин ҳақиқий туйғуларга тўлдирадиган куч бормикан дунёда?

Бу борадаги мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.



КАЛ АЙИҚЛАР

Германиянинг Лейпциг шаҳридаги ҳайвонот боғида қутилмаганда иккита айиқнинг жунлари тўкилиб кетди. Долорес ва Лолита исмли бу айиқ-хонимлар кўзойнакли айиқ турига мансуб бўлиб, қоп-қора ялтироқ паҳмоқ жунларидан, бор-йўғи майда тукчалар қолди, холос.

Лейпциг ҳайвонот боғи ходимлари



бу ҳол сабабини билолмай, қаттиқ ташвишга тушганлар. Улар шунга ўхшаш вазият кузатилган бўлса, уни баргараф этишда ёрдам беришларини сўраб дунёнинг бошқа ҳайвонот боғларига ҳам мурожаат қилишди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳол айиқлар ҳаётига жиддий хавф солмайди. Шундай бўлса-да, ҳайвонот боғи ходимлари жунсиз танасини қишда совқотиб қолишдан ҳимоя қилиш учун уларни иссиқроқ жойга кўчириш ва қўшимча иситиш тармоғи билан таъминлаш режасини ишлаб чиқдилар.

Долорес ва Лолитанинг паҳмоқсиз танаси кўримсиз ва галати ҳолга келган бўлишига қарамастан уларни кўриш учун келаётган томошабинлар сони сезиларли даражада ортди. Одамлар бу кал айиқларни суратга тушириш учун, ҳатто узок навбатга ҳам туриб қолишмоқда.

Ушбу кўзойнакли айиқлар Лейпциг ҳайвонот боғига Жанубий Америкадан келтирилган эди. Одатда улар қоп-қора қалин ва ялтироқ паҳмоқ жунли бўлишди, кўкрак ва юз қисмида эса қиримизи тусдаги жунлардан айлана шаклидаги доғлар кўзга ташланарди. Юз қисмида, айнан икки кўзини айлана ҳолда ўраб турган қиримизи жунлар уларни худди кўзойнак тақиб олгандек қилиб кўрсатади.

ЭНГ УЗУН МОТОЦИКЛ

Британиялик Колин Ферд дунёдаги энг узун мотоциклини ишлаб чиқди. 14 метрли бу мотоцикл рекордга эришган аввалги моделдан 5 метр узунлиги билан фарқ қилади.

«Бу соҳадаги олдинги рекордчи ҳам



ўзим эдим, аммо яна бир ўзига хос янгилик қилиш иштиёқи мени шу ишга ундади», — дейди бу антиқа ва ноанъанавий мотоцикл ихтирочиси. Мотоциклининг муваффақиятли испиро сифатида расман қайд қилиниши учун Колин Ферд уни бошқариб 100 чақирим масофани босиб ўтди.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

...Кеча ишонамизнинг кўчага қараган тарафи деразасидан карнай-сурнай садолари остида тантанавор чиқиб келаётган она-болаларни кузатиб ўтирган ҳаммаси чидолмади: "Буни ортика-да энди! Сизларни билмадим, лекин мен бундай даба-дабозликни умуман ҳазм қилол-

фарзандини ўлим билан олишиб, дунёга келтираётгандир) бошидан кечираётган оналар доволанишди. Ўзимизни кўрсатиш, неларга қодир эканлигимизни кўз-қўлаш эвазига ҳамнинг ҳам бундай дабада билан "янги меҳмон"ни кутолмаслигини пеш қилиб, юрагини эзиб, ҳатто

МАЗЗУГА ҚАЙТИШ
гунича куйинчак шифокорнинг қайта-қайта "синглим, аввало ўзингизни эҳтиёт қилинг, оғир ишга уринманг, болангиз қийналиброқ туғилган, бола учун она сути жуда

«ИНФАРММАДАД»
Саломатлик марказига марҳамат!
Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гелимшолог, лор, акулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

ЧАҚАЛОҚНИ ҚЎРҚИТГАН КАРНАЙЧИ

майман. Хўш, айтишлар, шунча ҳашам, доврүк солиш кимга керак ўзи? Бунақада согпа-соғ туғилган чақалоқ ҳам, манави шовқин-суронни эшитиб, кўрқиб касал бўлиб қолади-ку, ахир!"

Ишонамиз кўпчилик яхши биладиган машҳур "Олтинчир" туғруқхона ёнида. Кунора қатор-қатор, узун-узун турли русумдаги машиналарга кўзимиз тушади. Бундай манзараларга ўрганиб қолганимиз учун «ҳа, ўзига тўқроқ хонадон экан-да, орзу-ҳавас қилибди, майли омадини берсин», деб ўтиб кетамиз. Аммо кейинги пайтда ана шу ранго ранг мошинлар ёнига карнай-сурнай-чилар гуруҳи ҳам қўшилгани жуда қизиқ бўлаяпти (эшитишимизча, улар ҳам қўшиқчи-«юлдуз»ларга тақдир қилиб, фонограммага ўтаётган эмиш).



сихат-саломатлигига зиён етказмастми? Хар қандай танганинг икки тарафи бор: демак, ана шу даргоҳ остонасидан тўққиз ой жисму жониди асраб-авайлаб, интиқ кутган боласи туғилганда дунёга сиймай суянган оналарнинг чексиз қувончи бир тарафу, минг афсуски... юрак-бағримизни ўртовчи аламли йиғилари ҳам бир тарафдир. Нега бу ҳақда ўйламаймиз? Туғруқхона эшигидан чиқиб кет-

муҳим, кексаларга қулоқ солинг, «чилла» сақланг» деган гаплари мағзини қақиб келатган аёл нима қиларини билмай доврүраб қолмайди, деб ким қафолат бера олади? Кучоқ-кучоқ гулдасталар, бири "Лимузин" устига чиққан, иккинчиси эса мурғак гўдакнинг ҳали очилмаган қўларига қолдирмай "сьёмка" қилаётган қўшша-қўшша тасвирчиларни айтмайсизми? Югуриб келиб бир онасини, бир чақалоқни чўппиллатиб ўпиб кетаётганларга не дейсиз? Энг ёмони, бундай "кимўзар"га уштирилаётган тантанавор тadbирларни туғруқхона деразасидан пастта бир дунё қувончу армонлар билан кузатиб турган (бу даражада доврүк солишга имконияти етмайдиган) оналар кўнглидан нелар кечди шундай лаҳзаларда? Ана шуниси, бизни жиддий ўйга толдириши керак!

Эндигина дунёга келган митти чақалоқ учун бундай ортика ҳашамларнинг заррача қизиги бормикин? Албатта, йўк! Шундай экан бу дабада қандай маъно бўлиши мумкин? Бизнингча, гау ерда кимўзарчиликдан бошқа гап йўқ. Сизнингча-чи?

Анвар АБДУВАЛИЕВ, журналист.

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

Бахтли бўлинг!

ОТАМ УЙЛАНСИН...
«Ота-онам севишиб турмуш қурган экан. Онамга маҳалладош бўлган бир йигит ҳам совчи қўйган, унинг онаси неча марта сўраб келса ҳам бобом рози бўлмагани ҳақида эшитардим. Айтишларича, мен туғилгач, ота-онам бахтли яшаётган кунларнинг бирида қўшнимиз тўхмат қилиб, охир оқибат оиламизнинг тўзиб кетишига сабабчи бўлган экан. Ушанда мен беш ёшда эдим. Бу ноҳақ тўхмат ортида онамнинг ўша маҳалладоши турганини отам йиллар ўтиб эшитганда, афсуски, энди гишт қолипидан кўчганди. Онами эса уйдагилари бошқа-га узатиб юборишган. Отам кўпчиликдан зада бўлиб, кўнгли қолгани боисми ёки мени ўғай она турткиламасин деганми, билмадим, қайта уйланмаган. Менга доим «бу ҳаётда мен адашдим, сен қоқилмагин» дейдилар. Худога шукр, ўзим ҳозир тиббиёт коллежида таҳсил олаётиман. Отам ҳозиргача мени ҳеч кимдан кам қилмай, ҳалол ризқ-насиба билан вояга етказмоқда. Лекин барибир гоҳи ўзимча ўйлаб қоламан: Биз-

нинг уйимизга ҳам бирор меҳрибон, сариштали аёл келса, қандай бўларкин! Отамнинг ёши 48 да, у кишини қадрлайдиган, мунис бир аёл чикса, уйланарди. Илтимос, бизга ёрдам беринг!

Рустамжон, Тошкент вилояти.

Кўнглимиз тинчирди

«Қизим Наргиза бизнинг раъимизга қараб, Дилмуродга турмушга чиққанди. Бўлғуси куёв ҳақида обдон сўраб-суриштирдик. Қудамиз ўз маҳалласида обрўли, каттагина корхонанинг раҳбари эди. Онаси ҳақида ҳам таҳриган-билганлар яхши гап айтишганди. Шундай ота-онанинг фарзанди яхши бўлади-да, дебмиз. Афсуски, адашган эканмиз. Куёвимиз институтни бир амаллаб битириб, отасининг паноҳида номигагина ишларкан. Хуллас, энди бировни айблаганининг фойдаси йўқ. Мана, қизим билан куёвимнинг ажрашганларига ҳам 16 йил бўлди. Қизим олий маълумотли, нуфузли ташки-

лотда хизмат қилади. Ёши 41 да. Фарзанди йўқ, Уй-жойи бор. Хотини бирор сабаб билан вафот этган ёки ажрашган, ёшига мос, диёнатли инсон учраб, нуридий-даим ўзидан тинса, бизнинг кўнглимиз тинчирди.

Ҳалима хола, Тошкент шаҳри

Мени тушунса бўлди

«Севганимга уйланолмадим. Унинг отаси «онаси йўқ, акаю келинкойларнинг қўлига қизимни узатмайман. Эрта-индин ҳовли-жой талашиб, боламнинг бошига не кунларин солиши тайин», деб рози бўлмади. Сўнг келинкойим топган қизга уйландим. Муҳаббат очик кўнгли, жудаям меҳрибон эди. Уй юмушларини жойига қўярди. Лекин унинг бедаво дарди бор экан. Хар қанча уринмайди тузалмади. На илож, ажрашдик. Ёшим 32 да. Маълумотим ўрта-маҳсус. Тошкентда яшайман. Мени тушунадиган аёл бўлса, овоз берсин.

Ҳасан.

Газетамизнинг навбатдаги сони 26 ноябрь кун чикади

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ХАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга доволан гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гелимшолог кўригиде бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳоҳлатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий оғизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Баловнат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, туҳмудон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, териши, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида доволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Фафур Фулом» метро бекати.
МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02
Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази
кўйидаги ўқув курсларга тақриф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пиширликлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пеширликлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёт билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёт билан.
- Тўй ва оқшом турмаклар ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда.
- Каштачилик — 3 ой машинада вишивка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикшиш, яъни муноҷот тикшиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёт билан ■ Ётоқхона мавзуд

Ўқишни тутатганларга ДИПЛОМ берилади
Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

«Оила ва жамият» газетаси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фахрий журналист **Ҳолида АҲРОРОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 234-25-46
Котибият: 233-04-35
Реклама бўлими: 233-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент — 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буортма Г — 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади — 9161
Навбатчи — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ
Мусахҳиҳлар — Саидган САЙДАЛОВ, Камола АҲМЕДОВА

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609 2 3 4 5